

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА–ҚУРИЛИШ
ИНСТИТУТИ

УДК:

Қўлёзма ҳуқуқида

Қодирова Ширин

ТУМАН МАРКАЗЛАРИ ИСТИРОҲАТ БОҒЛАРИНИ
МЕЪМОРИЙ ЛАНДШАФТ ТАШКИЛЛАШТИРИШНИНГ ИЛҒОР
АНЪАНАЛАРИНИ АНИҚЛАШ

5A5340102–“Ландшафтлар архитектураси” мутахассислиги

“Ландшафтлар архитектураси” бўйича
магистр даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: профессор в.б.
К.Д. Рахимов

М.Ў.

Самарқанд–2017

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....

I–БОБ. ИСТИРОХАТ БОҒЛАРИНИ МЕЪМОРИЙ–ЛАНДШАФТ ТАШКИЛЛАШИРИШНИНГ ТАРИХИЙ ТАЖРИБАЛАРИ

- 1.1.** Истироҳат боғлари ҳақидаги умумий тушунчалар
- 1.2.** Темурийлар даври истироҳат боғларини ўрганиш
- 1.3.** Хонликлар даври боғларини тадқиқ қилиш
- 1.4.** Ўрта Осиёда Чор Россияси даври боғлари

II–БОБ. ИСТИРОХАТ БОҒЛАРИНИ МЕЪМОРИЙ–ЛАНДШАФТ ТАШКИЛЛАШТИРИШ ВА ЛОЙИҲАЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ АНЪАНАЛАРИ

2.1. Истироҳат боғларини меъморий–ландшафт ташкиллаштириш ва лойиҳалашнинг замонавий анъаналари ташкиллаштиришнинг Ватанимиз тажрибалари

2.2. Истироҳат боғларини меъморий–ландшафт ташкиллаштириш ва лойиҳалашнинг замонавий анъаналари ташкиллаштиришнинг хорижий тажрибалари

2.3. Истироҳат боғларини меъморий–ландшафт ташкиллаштириш ва лойиҳалашнинг замонавий анъаналари ташкиллаштиришнинг илғор анъаналари

III–БОБ. РЕСПУБЛИКАМИЗДА ТУМАН МАРКАЗЛАРИ ИСТИРОХАТ БОҒЛАРИНИ МЕЪМОРИЙ–ЛАНДШАФТ ТАШКИЛЛАШТИРИШ ВА ЛОЙИҲАЛАШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР ИШЛАБЧИҚИШ

3.1. Самарқанд вилояти туман марказларининг истироҳат боғлари билан таъминланиш ҳолати

3.2. Туман марказлари истироҳат боғларининг таркибий функционал қисмлари

3.3. Самарқанд вилояти туман марказлари истироҳат боғларини меъморий–ландшафт ташкиллаштиришнинг илмий–назарий асосларини ишлабчиқиш

3.4. Лойиҳавий таклифлар ишлаб чиқиш

ЯКУНИЙ ХУЛОСАЛАР, ДИССЕРТАЦИЯ НАТИЖАЛАРИ ВА ТАКЛИФЛАР.....

ҲОЙДАЛАНЛАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Мен “Туман марказлари истироҳат боғларини меъморий ландшафт ташкиллаштиришнинг илғор анъаналарини аниқлаш” мавзусидаги магистрлик диссертациямни тайёрлаганман. Раҳбарим профессор в.б Камол Джалолович Рахимов. Менинг бу мавзуни олишим сабаби биринчи президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов Республикамиз гўшаларида маҳаллий иссиқ–куруқ иқлим шароитларимизга тамоман мос келувчи миллий услубдаги боғларни яратишни ландшафт архитектурасининг энг долзарб йўналишларидан бири сифатида илгари сурган [1,2]. Ҳозирги кунда, биз ёш архитекторлар бунга лаббай деб жавоб беришимиз ва ўз ишларимизда замонавий ҳаёт ташвишлари билан ҳамнафас фикрлашимиз зарурлиги таъкидланмоқда. Шу мақсадда биз мазкур мавзуга қўл урдик.

Ўрта Осиё анъанавий боғ–парк санъатининг тарихий илдизлари узок ўтмишга бориб тақалиб, ушбу минтақанинг табиий–иқлим, тарихий, ижтимоий–иқтисодий, маданий шарт–шароитлари ва диний эътиқодларининг таъсири остида ва улар билан бевосита боғлиқ ҳолда шаклланган.

Ўрта асрларда Ўрта Осиё боғ–парк санъатининг типологик тизими шаҳарлар ичидаги яшил майдонлар, боғлар саройлар ва жамоат бинолари (масжидлар, мадрасалар, шифохоналар) хусусий турар жойлар ҳовлисидаги чорбоғлар ҳамда шаҳар хиёбонлари, шаҳар ташқарисида жойлашган боғ–саройлар, қўрғонча чорбоғлар ва қўриқхоналардан ташкил топган.

Айни пайтда, Ўрта Осиё боғ–парк санъати ўрта асрларда қўшни ва Буюк Ипак йўли орқали боғланган Яқин ва Узоқ Шарқ хориж мамлакатлари, шу жумладан ислом мамлакатлари билан узвий боғланишда шаклланган ва тараққий топган. Бу ҳолат бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Бироқ, Ўрта Осиёнинг Чор Россияси томонидан истило этилиши ва бу ўлкага бегона Европа маданияти ва социалистик Шўролар тизимининг кириб келиши Ўрта

Осиё боғ–парк санъатининг қадимги ва ўрта асрлардаги азалий тарихий қадриятларини амалиётдан сиқиб чиқариб, унинг ўрнига Ўрта Осиё халқларига буткул ёт бўлган Европа боғ–парк санъатининг анъаналарини ва социалистик тизимга хос паркларни олиб кирди. Албатта, ҳар бир ишнинг салбий ва ижобий томонлари бўлганидек, бу соҳада ҳам кескин ўзгаришлар бўй берди. Ўзбекистон шаҳарларида қатор маданият ва истироҳат боғларининг яратилиши ҳамда бульварлар, скверларнинг шаклланиши ана шундай ижобий ўзгаришлар сафига кирди. Бироқ, улар Европа боғ–парк санъати тамойиллари асосида яратилди. Ўзбек халқининг бу соҳадаги миллий анъаналари унут бўлди, бу соҳани ўрганиш ва жонлантиришга бағишланган илмий изланишларга кенг йўл қўйилмади.

Кейинги йилларда “Ободлик кўнгилдан бошланади” деган олижаноб даъват халқимиз қалбидан чуқур жой олмоқда. Ана шундай ёндашув асосида вилоят ва туманларимиз марказларини, барча шаҳар ва қишлоқларимизни замонавий талаблар асосида тубдан қайта қуриш, аҳолининг яшаши, мазмунли дам олиши ва хордиқ чиқаришлари учун қулай шароитлар яратиб бериш давр талабидир.

Ҳозирги кунда кўпгина шаҳар ва қишлоқларимиз ҳудудида боғ–парк санъати намуналарини учратамиз. Уларнинг кўп қисми қайта таъмирланиб, халққа хизмат қилмоқда. Аммо боғларнинг аксарият қисми эътиборга муҳтож. Шунинг ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрда чиқарган 322–сонли “2011–2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора–тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори бу соҳа ривожига давлат миқёсида катта эътибор қаратилаётганидан далолатдир.

Умуман олганда боғ–парк санъатини ривожлантиришга бўлган тизимли ёндашув давр талабига айланиб бормоқда. Энди боғ–паркларга туман марказлари ҳудудидаги бир яшил оролча сифатида эмас, балки туман

аҳолисининг дам олиш истироҳат боғлари бош режалари таркибига кирувчи яшил таркибий рекреацион комплекс сифатида қараш вақти келди. Бу эса туман марказларидаги истироҳат боғларини шаҳар боғ–паркларидан кам бўлмаслигини, бу мавзуга доир илмий тадқиқотларни олиб боришни давримиз эҳтиёжларидан келиб чиққан долзарб масалага айлантирмоқда.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объекти бўлиб Самарқанд ва республикамизнинг бошқа вилоятларидаги туман марказларида фаолият кўрсатаётган истироҳат боғлари ҳисобланади. Тадқиқот предмети эса ушбу боғлар ва туман марказлари учун янгидан лойиҳаланаётган истироҳат боғларини меъморий–ландшафт ташкиллаштиришнинг илғор анъаналарини аниқлашдан иборатдир.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Республика ва Самарқанд вилоятидаги туман марказлари истироҳат боғларини ўрганиш асосида бундай боғларни меъморий–режавий ва ландшафт ташкиллаштиришнинг илғор анъаналарини аниқлаш ва лойиҳавий таклифлар бериш.

Тадқиқот вазифалари:

- Истироҳат боғларини меъморий ландшафт ташкиллаштиришнинг тарихий тажрибаларини ўрганиш;
- Туман марказлари истироҳат боғларини меъморий–ландшафт ташкиллаштиришнинг замонавий тажрибаларини ўрганиш ва бу соҳадаги етакчи анъаналарни аниқлаш;
- Туман марказлари истироҳат боғларини меъморий лойиҳалашнинг замонавий тамойилларини тадқиқ қилиш ва аниқлаш;
- Туман марказлари истироҳат боғларини меъморий ва ландшафт ташкиллаштириш ва лойиҳалаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг янгиллиги шундаки, мазкур диссертацияда илк бор Самарқанд вилояти туман марказларидаги истироҳат боғларини меъморий–ландшафт ташкиллаштиришнинг илғор анъаналари аниқланади ва унинг концепцияси ишлаб чиқилади.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқотнинг асосий масалалари қуйидагилардан иборат: истироҳат боғларини меъморий–ландшафт ташкиллаштиришнинг тарихий тажрибаларини ўрганиш; истироҳат боғларини меъморий–ландшафт ташкиллаштириш ва лойиҳалашнинг замонавий анъаналарини тадқиқ қилиш; Самарқанд вилояти туман марказлари истироҳат боғларини меъморий–ландшафт ташкиллаштириш ва лойиҳалаш бўйича илмий–назарий ва лойиҳавий тақлифлар ишлаб чиқиш. Ушбу масалалар ҳозирги мавжуд истироҳат боғларини фотофиксация қилиш, уларнинг ишлаш фаолияти билан яқиндан танишиш ва таҳлил қилиш, бу соҳадаги илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва уларни Республика тажрибалари билан солиштириш, олинган натижаларни умумлаштириш ва хулосалар қилиш.

Тадқиқотнинг ғоявий фарази эса туман марказлари истироҳат боғларини келажакдаги тараққиёт йўллари ва ривожланиш анъаналарини илмий аниқлаш асосида ушбу боғлар меъморий–ландшафт ва бадиий дизайн ечимларини юқори савияга кўтаришдир.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи.Замонавий ландшафт меъморчилиги ва боғ-парк амалиётида ”Чорбоғ” услубини график қайта тиклаш бўйича олимларимиз томонидан эътиборга лойиқ ишлар қилинган, илмий ишланмалар ва чорбоғнинг бир нечта график реконструкциялари ишлаб чиқилган.Чорбоғларнинг Г.А.Пугаченкова (1951й.), Ў.Алимов (1974 й.), Д.А.Нозилов (1990 й.), А.С.Уралов, К.Д. Рахимов (2003й.), Т.Ш.Маматмусаевлар (2010й.) томонидан бажарилган реконструкциялари шулар жумласидандир. Бу график ишлар чорбоғларнинг, асосан, режавий композициясини ойдинлаштиришга қаратилган. Нафақат Чорбоғнинг тархӣй ечимини, балки унинг архитектурасида муҳим ўринни эгаллаган асосий бино–кўшк (сарой)ни ҳам график тиклаш ҳаракатлари мавжуд. Жумладан, Д.А.Нозилов Амир Темур қурган Боғи Дилкушо кўшкнинг интерьерини, Ў.Алимов Давлатобод боғи саройининг тарихини ва у жойлашган

тепаликнинг меъморий ечимларини, Г.А.Пугаченкова Мирзо Улуғбекнинг Боғи Майдонда бунёд этган ”Чилсутун” кўшкining тарихини, Т.Ш.Маматмусаев эса унинг умумий кўринишини яққол тасвирлашга ҳаракат қилган. Бу ишланмалар илмий асосланган, аслига ўхшаш бўлган график реконструкциялардир. Улар асосида бугунги кунда “Чорбоғ” услубини Ўзбекистон замонавий боғ–парк амалиётига жорий қилиш имкониятлари мавжуд. Бироқ, тан олиш керакки, шу чоккача республикамиз вилоятлари туман марказларидаги истироҳат боғларини меъморий–ландшафт ташкиллаштиришнинг меъморий концептуал дастури илму-фанда ишлаб чиқилмаган. Биз ана шундай дастурни илк бор яратишга ҳаракат қилдик.

Тадқиқотда қўлланиладиган методиканинг тавсифи. Республика вилоятлари туманлари марказларида жойлашган истироҳат боғларининг ҳозирги ҳолатини таҳлил этиш, бундай боғларни меъморий–ландшафт шакллантиришга доир илмий адабиётлар ва лойиҳалар билан танишиш, уларни ўрганиш, умумлаштириш ва ушбу боғларни лойиҳалашнинг илғор анъаналарини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда Самарқанд вилояти туман марказлари истироҳат боғларини тадқиқ қилиш асосида туман паркларини яратишнинг илмий асослари ишлаб чиқилади ва илғор анъаналари аниқланади. Айни пайтда, диссертация материалларидан архитектура ва ландшафтлар архитектураси йўналишлари бўйича ўқув жараёни учун услубий тавсиялар беришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг синовдан ўтиши ва амалиётга жорий этилиши. Илмий тадқиқот натижалари Самарқанд давлат архитектура–қурилиш институтида 2016–2017 йилларда бўлиб ўтган ёш олимлар, иқтидорли талабалар, магистрлар, катта илмий ходим–изланувчилар, илмий конференциялари ва архитектура факультетининг илмий–услубий семинарларида илмий доклад (маъруза) тарзида ҳамда СамДАҚИнинг

“Меъморчилик ва қурилиш муаммолари” илмий техник журналида чоп этилган илмий мақолалар тарзида эълон қилинади ва муҳокамадан ўтади.

Иш тузилмасининг тавсифи. Диссертациянинг таркиби кириш, 3 та боб, якуний хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми 81 бетни ташкил қилади. Низомга кўра диссертация иши А4 (21х29) формат қоғозда компьютерда 1,5 интервалда, 14 шрифтда ёзилади.

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мавзунинг ўрганилганлиги даражаси, ишнинг мақсади, вазифалари, тадқиқот ишининг янгилиги, объекти ва предмети, ишни бажариш услуби ва унинг аҳамияти баён қилинган.

Диссертациянинг **I-боби “Истироҳат боғларини меъморий–ландшафт ташкиллаштиришнинг тарихий тажрибалари”**га бағишланиб, унда истироҳат боғлари ҳақидаги умумий тушунчалар; Темурийлар даври истироҳат боғларини ўрганиш; Хонлиқлар даври боғларини тадқиқ қилиш ва Ўрта Осиёда Чор Россияси даври боғлари ўрганилади.

II-бобда “Истироҳат боғларини меъморий–ландшафт ташкиллаштириш ва лойиҳалашнинг замонавий анъаналари” кўриб чиқилиб, унда истироҳат боғларини меъморий–ландшафт ташкиллаштириш ва лойиҳалашнинг замонавий анъаналари, уларни ташкиллаштиришнинг ватанимиз тажрибалари; истироҳат боғларини меъморий–ландшафт ташкиллаштириш ва лойиҳалашнинг хорижий тажрибалари ҳамда илғор анъаналари таҳлил қилинган.

III-боб “Республикамизда туман марказлари истироҳат боғларини меъморий–ландшафт ташкиллаштириш ва лойиҳалаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш” деб номланиб, унда Наманган вилояти марказларининг истироҳат боғлари билан таъминланиш ҳолати; туман марказлари истироҳат боғларининг таркибий функционал қисмлари; Наманган вилояти туман марказлари истироҳат боғларини меъморий–

ландшафт ташкиллаштиришнинг илмий–назарий асослари ва лойиҳавий таклифлар ишлаб чиқилади.

Якуний хулосаларда эса диссертациянинг асосий натижалари ва ишлаб чиқилган таклифлар ўз аксини топган.

I–БОБ. ИСТИРОҲАТ БОҒЛАРИНИ МЕЪМОРИЙ–ЛАНДШАФТ ТАШКИЛЛАШИРИШНИНГ ТАРИХИЙ ТАЖРИБАЛАРИ

1.1.Истироҳат боғлари ҳақидаги умумий тушунчалар

Мамлакатимиз истиклолга эришгандан сўнг бутун республикаимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига катта эътибор қаратила бошланди. Натижада замон талабларига жавоб берадиган даражадаги боғ-парклар, хиёбонлар ва сайилгоҳлар барпо этила бошланди. Буни биз ватанимиз пойтахти Тошкент шаҳридаги Мустақиллик майдони, А.Навоий, Ғ.Ғулом, А.Қодирий, М.Улуғбек номли ва «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи, Самарқанд шаҳридаги Амир Темур, Регистон майдонлари ва Афросиёб хиёбонлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ушбу боғларда бугунги кўкаламзорлаштиришнинг энг ноёб усуллари қўллаган ҳолда ажойиб композицияга эга бўлган яшил ҳудудлар, клумбалар, майсазорлар ва гулзорлар барпо этилмоқда. Боғ-паркларда манзарали япроқ баргли дарахт ва бута турларидан: лола дарахти, япон сафораси, гўзал каталпа, каштан, пирамидасимон эман ва терак, оддий эман, шойи акас, арғувон, кумушсимон баргли заранг, мажнунтол, жўка, сада қайрағоч, четан ва доим яшил нинабаргли ўсимлик турларидан шарқ биотаси, сабина арчаси, доим яшил сарв, шаклдош туйя, виргин арчаси, шунингдек, бутасимон ўсимликлардан – оддий ва ҳинд сирени, магнолия суланжа, форзитсия, самшит, юкка, агава ва япон беҳиси экиб келинмоқда. Бир ва кўп йиллик гул турларидан дасторгул, тагетес, лобелия, ахирантес, бинафша, наргис, салтонила, шафран, синерария маритима, эхеверия, иризения, салвия, петуния, бегония ва бошқа бир нечта манзарали гул ўсимликлари турларидан фойдаланилган ҳолда боғ-паркларда нафис кўринишдаги ландшафтга эга бўлган композициялар яратилмоқда. Бу эса ўз навбатида боғда ташриф буюрганларга дам олишларида ажойиб кўтаринкилик ҳис-ҳаяжон, яхши кайфият бағишлаб, уларда ўсимлик дунёсига бўлган эътиборни янада

оширади. Шунинг учун ҳам аҳоли яшайдиган ҳудудлар, шаҳар ва кишлоқларнинг кўркам бўлишида манзарали дарахтларнинг ўрни бекиёсдир. Ушбу боғ-парк ҳудудларини кўкаламзорлаштиришда жойнинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда ушбу ҳудудларга мос келадиган манзарали дарахт ва буталарни танлаш ва экиш технологияларини амалий билиш зарур. Республикамизда аҳоли турар жойларини, саноат корхоналарини, спорт иншоотлари ва ўқув масканлари атрофини кўкаламзорлаштиришда, ажойиб композицияга эга бўлган, кўркам боғ-парклар ва сайилгоҳлар барпо этишда манзарали дарахт ва бута турларини тўғри танлаш, уларни биологиясини ўрганиш, манзарали дарахтларни ҳудудлар бўйича тарқалишида ва уларни экиш схемаларини ўрганишда ушбу фаннинг аҳамияти каттадир. Биз ҳозирги кўкаламзорлаштириш жараёнини билган ҳолда ватанимизнинг қадимий шаҳарларидаги боғлари ва ровотларидаги кўкаламзорлаштириш услубларини билиб боришимиз керак бўлади. Бизга маълумки, Марказий Осиёда боғ-ҳиёбон санъати кўп асрлик тарихга эга. Эрамиздан VI-VII аср олдин Мурғоб, Зарафшон ва Амударё водийлари ҳудудида Сўғдиёна, Бақтрия ва Хоразм каби ўлкалар мавжуд бўлиб, улар шимолий ғарбий томондан Ҳиндистон, эрон, Қашғар, Жанубий Хитой билан қадимдан умумий савдо йўли билан боғланиб келган. XIII аср ўрталарида Ўрта Осиёга ташриф буюрган Марко Поло шундай деб ёзади: “Самарқанд ғаройиб боғлари билан ўраб олинган буюк шаҳар, уни текисликлар ўраб туради, унда турли мевали ўсимликлар ўсади”. Демак, ушбу қадимий сайёҳнинг фикру мулоҳазаларидан кўриниб турибдики, бизнинг ўлкамизда қадимдан ҳам улуғвор боғларимиз ва ровотларимиз бўлган экан. Турли хил композициялардаги боғ-парк элементларининг кўриниши тарихдан бизга маълумки, XII–XIII асрларда Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз ва Хива каби тарихий шаҳарларимизда ажойиб ва кўркам кўринишдаги боғларимиз бўлган. Бу боғларда маҳаллий дарахт ва бута турлари билан бир қаторда бошқа ўзга юртлардан – Ҳиндистон, Эрон, Миср,

араб давлатларидан ўта манзарали кўринишдаги япроқ ва нина баргли, шунингдек, мевали дарахт кўчатлари келтирилиб дунёга машхур Самарқанддаги Боғи Шамол, Боғи эрам, Боғи Дилкушо, Боғизағон, Боғирайхон, Боғибеҳишт, Боғибаланд ва бошқа бир нечта номдаги кўркам боғлар, гузарлар ва ровотлар барпо этилган. Бундай ям-яшил боғларда ўсимлик дунёси билан бир каторда ҳар хил турдаги сайроқи қушлар ва ноёб ҳайвонлар сайр этиб боғлар ҳуснига ҳусн кўшиб турган. Ушбу боғларда сув ҳавзалари, лаби ҳовузлар ташкил этилган. Уларда охулар, фазанлар ва тустовуқлар кўпайтирилган. Боғ-паркларда гуллар композициясининг кўриниши XV асрнинг охири XVI асрнинг бошларига келиб, Самарқанддаги боғ ва хиёбонларда экиладиган манзарали ўсимликларнинг ассортименти кўпая бошлади. Бу эса қадимий боғлар кўринишининг давоми бўлиб келган. Демак, кўриниб турибдики, мамлакатимизда манзарали боғлар барпо этиш санъати ўзининг тарихий илдизига эга экан. Дарвеш Муҳаммад Тараҳан боғида сада қайрағоч, шарқ туяси, кумушранг тераклар, шунингдек, Жаҳонаро боғида сарвлар, оққарағай, можжевельник туркуми, мажнунтоллар экила бошланди. XVIII асрга келиб Ўрта Осиёнинг бошқа хорижий мамлакатлар билан савдо-сотиқ бўйича алоқаси ривожланиб, кўпчилик соҳаларда юксак натижаларга эришилди. Шу вақтдан бошлаб одамлар гавжум бўлган ҳудудларда, тарихий обидалар, масжидлар ва расадхоналар атрофида тўрт бурчагига тўрттадан манзарали дарахтлар ўтқазилган. Чойхоналар одатда серсоя дарахтлар остида, жилдираб оқиб турган зилол сувли ариқлар ва ҳовузлар атрофида жойлаштирилган. Ўша вақтдан бошлаб рўйи замин сайқали бўлган Самарқандга ташриф буюрган сайёҳлар унинг минорайи гумбазларининг архитектура ландшафтига ва ўсимлик дунёсига лол қолганлар. Бундай тарихий боғлар тўғрисида маълумотлар тарихчилар томонидан тарихий китобларда қайд этиб қолинган. Ҳозир ҳам юқорида айтиб ўтилган шаҳарларимизда хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган сайёҳлар эътиборига тушадиган истироҳат боғлари, хиёбонлар, сайилгоҳлар,

аҳоли яшаш даҳалари, спорт иншоотлари қад ростлаган ва улар халқимизни, ёшларимизни ишдан бўш вақтларида дам олишлари, ҳар хил маданий тадбирлари, концертлар, гуллар ва кушлар байрамларини ўтказиш учун тайёрлаб қўйилган ва йилдан йилга янги турдаги ўсимлик дунёси билан бойитиб борилади. Барча шаҳар ва қишлоқлар, аҳоли яшаш ҳудудлари, саноат корхоналари, ўқув масканлари ва шифохоналар улар атрофида барпо этилган яшил ўсимлик дунёси билан янада кўркем ва манзарали кўринади. Шунинг учун ҳам Мустақил Ўзбекистон республикамининг бугунги ҳаётида кўкаламзор ҳудудлар барпо этиш энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолди. Бундай улкан ишлар нафақат Тошкент шаҳрида, юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида амалга оширилмоқда. Бунинг учун жойларда боғлар ва сайилгоҳлар барпо этишда унинг замонавий ландшафт дизайнларини талаб этилади. Боғ-парк санъати тарихи минглаб йилларни ўз ичига олади ва илдизлари билан қадим замонларга бориб тақалади. Биринчи боғлар иссиқ мамлакатларда, қуёшнинг интенсив ёндирувчи нурларидан ҳимоя қилиш талаб этилган жойларда: Миср, Ассирия, Вавилон ҳамда Яқин Осиё-Эронда пайдо бўлди. Кўпинча бу боғлар ўтилар характерга эга эди. Кўпчилик европалик олимларнинг илмий ишларида Қадимги Шарқ санъатининг Италия уйғониш даври ландшафт санъатига таъсири кўрсатилмаганлигини таъкидлаб ўтиш даркор. Аммо бу таъсирнинг мавжудлиги жуда аниқ. Қадимдан, шарқ мамлакатлари иссиқ иқлими шароитида боғлар ва паркларга катта аҳамият берилган. XIV асрдаёқ Темурийлар давлати пойтахт Самарқандда 14 боғлар бор эди. Улардан иккиси шаҳар ичида қурилган бўлиб, 12-си шаҳарни ҳар тамондан ўраб олган эдилар. Боғлар тўғрисида “Зафарнома”да, “Бобурнома”да ва А.Навоий асарларида маълумотномалар бор. Боғлар тарихида композициянинг асосий ўқини регуляр ташкил этиш услублари қўлланилган. Боғлар қурилиши маълум бир уйғунлик ва геометрик тартиб тамойилларига бўйсунган. Декоратив сув ҳавзалари кенг қўлланилган. Чорбоғлар шарқ мамлакатлари учун хос бўлган боғ-парк санъати

конунларига кўра яратишдир, унда боғни режалаштириш, юқорида айтиб ўтилгандек, катъий ортогонал курилишга эга эди. Форс тилида «чор» сўзи тўртни, «боғ-боғни» англатади, шунинг учун «чорбоғ» номига мос равишда боғ асосида режа тузилмасининг тўрт қисмли бўлиши ётади. Боғ тўртта кесишувчи ўтиш йўллари билан тенг тўрт қисмга бўлинади. Кўпинча, ҳар бир йўлакнинг маркази бўйлаб, сув тўлдирилган тор, унча чуқур бўлмаган арик ўтади. Ариқлар кесишган жойда унча катта бўлмаган фавворасиз кичик ховузча курилади. Шарқ анъаналарига кўра, тўртта йўл дунёнинг тўрт томонига мос келади, индусларнинг анъаналарига кўра эса ариқлар инсоният ҳаётининг тўрт босқичини ифодалайди: болалик, ўсмирлик, ёшлик ва қарилик. Сувлар кесишганда, яъни инсон ўтган умрини англаганда - у худо билан учрашади. Форс боғларидан фарқли ўлароқ, Ўрта Осиёда (айниқса Ўзбекистонда) Чорбоғ иссиқ-қуруқ, кескин континентал иқлими муносабати билан ўзига хос ривожига эга бўлди.

Боғнинг тархий тузилиши Ландшафтни тарихий ташкил қилиш. Боғнинг оптимал ечими қуйидагиларга жавоб бериши керак: Боғнинг кириш қисмигача одамларнинг асосий гавжум жойлардан масофани минимумлаштириш; боғ ичидан ўтувчи оқимларни минимумлаштириш ва рационализасиялаш, режалаштириш; ўзаро функционал келишмайдиган ҳудудлар орасида фазовий изоляция яратиш (тинч дам олиш, сайр ва тадбир, кўнгил очиш, аттракционлар, болалар ва хўжалик ва х.к). боғнинг тарихий тузилиши умумий композиция асосига кўра, алоҳида ҳудудларга (зоналарга) бўлиниб асосий тармоққа уланган бўлади ўрта ва майда аллеялар, йўлакчалар, майдонлар. Боғ асосий аллеялар билан бирлаштирилади. Боғнинг композицион ечимининг умумийлиги архитектуравий ва ландшафт объектларининг ҳар бир микро ҳудудларда мослаб жойлаштирилганлигидир.

1.2.Темурийлар даври истироҳат боғларини ўрганиш

Соҳибқирон Амир Темури бобомиз атроф-муҳитни, жонли ва жонсиз табиатни эъзозлаш борасида ҳам беназир зот бўлган. Чўл-у биёбонларни ободонлаштириш, деҳқончиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратган.

У «Темур тузуклари» асарида: «Бир дарахт кессам, ўрнига ўн икки дарахтни экдим...», «...ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар, ҳаммомлар қуришни, мусофир йўловчилар учун йўл устида рабат бино қилишни, дарёлар устида кўприклар қуришни буюрдим» деб ёзади. Соҳибқирон Амир Темури даврида Мовароуннаҳрнинг аксарият ерлари, хусусан, Зарафшон водийсида ўнлаб суғориш тармоқлари бунёд этилиб, деҳқончилик майдонлари кенгайтирилди. Қабристонлар ва зиёратгоҳлар обод этилди. Султон Боязид устидан қозонилган ғалабаси шарафига Қашқадарё вилоятидаги эски Анҳор каналини қурдирди. Тарихчи Ҳофиз Абрунинг ёзишича, Амир Темури Хуросондаги Мурғоб водийсида ободончилик ва деҳқончилик ишлари хароб эканлигини кўриб, дарёдан ариқ қаздириб, ободончилик ишларини йўлга қўяди. Унинг топшириғи билан Кўҳак – Зарафшон, Амударё ва Сирдарёга кўприклар қурилади. Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз ва Фарғонада ирригатсия ишлари олиб борилади. Узоқ Қорабоғ ва бошқа жойларда ҳам каналлар қаздиради.

Ўрта асрларда анъанавий бўлган Темурийлар даври “Чорбоғ”ларини республикамизнинг қатор олимлари: В.Л. Вяткин, И.А. Сухарева, М.Е. Массон, Г.А. Пугаченкова, Ў. Алимов, А. Мадраимов, Д.А. Нозилов, М.С. Булатов, А.С. Уралов, К.Д. Рахимов, Л.А. Адилова, С.Н. Садиковалар ўрганганлар. Ушбу олимларнинг ишларида “Чорбоғ”ларнинг шаклланиш тарихи, қурилган вақти ва жойлари, меъморий–режавий ечимлари, боғдаги ўсимликлар, боғ–саройлари ва иншоотлари кенг ўрганилган. Биз мазкур диссертацияда ушбу ишларга таянган ҳолда Ўрта Осиё анъанавий боғлари–

“Чорбоғ”ларга хос меъморий–ғоявий, ландшафт ва семантик хусусиятларни Темурийлар ва Бобурийлар боғлари мисолида очиб беришга ҳаракат қиламиз.

Ҳаммамизга маълумки, XIV асрнинг 70–йилларидан бошлаб Самарқанд шаҳри атрофида Амир Темур, Темурийлар ва уларнинг аёнлари томонидан кўплаб боғ–парклар бунёд этилган.

Табиийки, бу боғ–саройларни яратган меъмор ва боғбонлар уларда ўша давр боғ–парк санъатининг энг яхши намуналарини акс эттиришга интиланганлар.

Темур ва Темурийлар яратган боғлар учун кўпроқ илгаридан мавжуд манзилгоҳлар, суви етарлик боғлар, хушманзара дарахтзорлар, ўт–ўланлар кўшиб олиниб, қайтадан режаланган, махсус лойиҳаланган. Фақат айрим боғлар янгитдан ишланган. Ҳар иккала ҳолда ҳам улар учун сув манбалари ва манзарага бой жойлар танланган.


Агар биз Темурийлар бунёд этган боғларнинг меъморий–ғоявий ва яратилиш ечимларини таҳлил қиладиган бўлсак, унда Ўрта Осиё меъморий боғларининг режавий–ландшафт ечими уч хил услубда, яъни:

1. “Чорбоғ” услубида тўғри мунтазам симметрик тартибда қурилган боғ–саройлар;
2. Эркин табиат кўринишидаги пейзажли боғлар;
3. Аралаш режали, яъни бир қисми мунтазам симметрик тартибда, қолган қисмлари эркин табиат кўринишидаги боғлар тарзида шаклланганлигини кўрамыз.

Тартибли мунтазам симметрик кўринишдаги “Чорбоғ” усули кўпроқ нисбатан текис ерларда жойлашган боғларга хос бўлса, эркин табиат манзараси кўринишдаги боғлар баланд–пастликда, қияликлар, тоғ этакларида жойлашган кенг майдонли сайргоҳ истироҳат боғлари ва боғ қўриқхоналар учун мос келган. Амир Темур бунёд этган Боғи Жаҳон–намо, Боғи Нақши Жаҳон, Боғи Тахти Қорача боғлари ана шундай эркин табиат манзараси кўринишдаги боғлар турига кирган.

Темурийлар боғлари ҳудудини ободонлаштириш, боғлар ландшафти, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси масалаларига келсак, унда: янги боғлар кўпинча, илгаридан мавжуд боғлар ҳудудларини кенгайтириш ҳисобига барпо этилса— да, уларга экиладиган дарахтлар тури алоҳида эътибор билан танланган. Боғ деворлари ёнидан тортилган сайр йўлаклари ва ариқлар бўйлаб мирза— тераклар экилган. Улар ичида “Сафедори Самарқандий” тури ўзининг гўзал ранги ва шакли билан бошқа тераклардан ажралиб турган [1]. Боғ дарвозасидан то боғ марказида жойлашган ҳовуз ва саройгача кенг хиёбон тортилиб, унга боғдаги ёнбош хиёбонлар келиб қўшилган. Чорбоғ хиёбонлари, ҳовузлар ва ариқлар бўйлаб манзарали дарахтлар: тол, терак, чинор, қайрағоч, сарв, арча, мажнунтол кабилар экилган. Мевали дарахтлардан олмаларнинг турли хил навлари, ўрик, шафтоли, анор, нок, олча, анжир, тут ва бодомлар доим эътиборда бўлган.

Гулларни танлашда уларнинг очилиш мавсумига эътибор беришган. Улар чаманларга шундай экилганки, бири очилиб тугаса, иккинчиси гуллай бошлаган. Шундай гуллардан айримларини санаб ўтамиз: ҳамиша баҳор, атиргуллар, бинафшалар, савсан, наргис, гули раъно, нулуфар, шаббўй, гултожихўроз, аргун, садбарг, ханжарий. Боғларда қўлга ўргатилган оҳулар, товуслар, бедана ва какликлар, ҳовузларда эса ғоз ва ўрдақлар, балиқлар сузиб юрган [1].



Темурийлар ва Бобурийлар бунёд этган боғларнинг ландшафт ечимларини қуйидаги миниатюраларда ҳам кўриш мумкин.


“Чорбоғ” услубидаги мунтазам режали боғлар тасвири чизилган миниатюраларда ўртада тўрт бурчакли, квадрат шаклли ёки саккиз бурчакли сув ҳавзаси–ҳовуз ва ундан уфқнинг тўрт тарафига тортилган ариқлардан оққан сувни кўриш мумкин. Ариқлар ва ҳовузлар юзида оқ ва қизил олмалар қалқиб сузиб юрган [2]. Соя–салқин боғларда ариқ сувлари устига ўрнатилган чорпоялар, улар устига ёзилган гиламлар, хонтахталар, кўрпачалар ва ёстиклар бўлган. Чорпоялар олдида эса дарахт шохларига осилган саватларда каклик ва беданалар сайраб турган [3].

Темурийлар боғлари, хусусан “Чорбоғ” услубидаги боғларнинг семантикаси ҳақида ҳам гапириб ўтиш жоиздир. Темурийлар “Чорбоғ”ларининг семантикасига хос хусусият шундаки, бу боғларда манзарали дарахтсимон ўсимликлар доимо мевали дарахт ва буталар билан бирга экилган, боғ ҳудуди ташқаридан деворлар билан чегараланган [4]. Боғдаги асосий семантика бу боғ композициясидаги ўта тартиблилик ва


орасталик, атроф—муҳитдан буткул ҳолилик ва боғга жаннат рамзининг берилганлигидадир. Боғдаги жаннатий рамз бу боғ ўсимликлари, ҳайвонот дунёси, иморатлар архитектураси, боғ дизайни элементлари ва инсон орасидаги уйғунликда ўз аксини топган.

Темурийлар боғларида аттракционлар бўлганми? деган савол ҳам бизни қизиқтириши табиийдир. Бизнинг фикримизча бўлган. Боғдаги ҳалганчаклар, чир атрофи зинапояли ҳовузлар, қўлга ўргатилган ёввойи ҳайвонлар ва қушлар, тирандозлик ва чавгон ўйинлари ана шундай миллий аттракционлар турига кирган.

Чорбоғнинг мумтоз тарихини кўздан кечирсак қуйидаги ғоявий ечимни кўрамиз.




Боғ марказидаги катта жаннат ҳовузи ёки фавворадан тошиб тушган сув уфқнинг тўрт тарафига қараб йўналтирилган тўртта жаннат ариқлари бўйлаб оқади ва тўртта жаннат боғи—“Чорбоғ”ни ташкил қилади. Ҳар бир боғ эса яна 4 та чаман—“Чорчаман”лардан иборатдир. Агар биз 1 та чаман ўлчамини бир модулга тенглаштириб олсак, унда “Чорбоғ” меъморий модуль асосида яратилган тартибли ҳандасавий боғ бўлиб чиқади [3].



Қуйидаги график тасвирларда ҳам биз “Чорбоғ” услубидаги боғларнинг меъморий модуль тизимида ишланганлигини кўрамиз.


Маълумки, Темурийлар авлоди бўлган Бобур Самарқанд, Ҳирот ва Қобул орқали Шимолий Ҳиндистонга Темурийлар боғ–парк қурилиши тамойилларини олиб кирган. Бу анъанани кейинчалик унинг ўғиллари ва неваралари Бобурийлар ҳам давом эттирган ва ривожлантирган. Масалан, Аграда Бобурий Шох Жаҳон томонидан қурилган Тож–Маҳал мақбара боғ–саройининг композициясида ҳам модулли “Чорбоғ” услуби қўлланилган [5].





Тож–Маҳал “Чорбоғи” анъанавий Ўрта Осиё “Чорбоғ”ларидан фарқ қилиб, унда боғ–саройининг биноси боғ марказидаги ҳовуз ёнида ёки унинг ўртасида эмас, балки боғ тўрида жойлашган. “Чорбоғ” ва унинг бош хиёбони эса сарой биносига поки–поёндоз бўлиб хизмат қилган. Бош ва ёнбош хиёбонларни унинг ўртасида жойлашган фавворали каналлар ва уларнинг кесишувидаги катта ҳовуз боғ композициясининг яхлитлигини таъминлаган.


Бобурий Шох Жаҳоннинг Лаҳор (Покистон)да бунёд этган Шалимар боғининг меъморий ғояси ҳам “Чорбоғ” услубига асосланган (488x210 м, уч поғонали терассасимон боғ) [6].



Боғда икки хил: очик ва ёпиқ хиёбонларни ҳамда уч хил: очик, ярим очик ва ёпиқ яшил боғ муҳитларини учратиш мумкин. Боғдаги асосий хиёбонлар очик, ички “Чорчаман”лар ичидаги хиёбонлар эса ёпиқ тарзда шаклланганлигини кўрамиз. Ушбу боғнинг ландшафт кўринишлари ва сув хавзалари ўзига хос дабдабали тарзда ишланган. Шалимар боғининг асосий фарқли томони унда катта ховуз хавзасининг мавжудлиги ва унда фавворалар тизимининг яратилганлигидадир. Биз бу боғларда очик ва ёпиқ яшил кўкаламзорлар муҳитини қўлланилганлигини кўрамиз.



Темурийлар ва Бобурийлар даврига хос “Чорбоғ” услубидаги меъморий боғларда қўлланилган сув дизайни қурилмалари ҳам хилма-хилдир. Биз уларнинг номларини, график кўринишлари ва функцияларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги жадвалда келтирдик:

№	Сув қурилмаларининг номи	График кўринишлари	асосий Функцияси	Қўлланилиш ҳолати
1	Боғ саройини чор тарафдан ўраб турган ховузлар		Шаффов сув манзараси, мос микроклим ва боғ саройининг сувдаги аксини яратиш, сарой биносини муҳофаа қилиш, ўрдак ва ғозларни боғ ландшафтига уйғунлаштириш	Сатҳи текис боғларда

2	Фаввора		Сув ҳаракати ва товушидан ҳосил бўладиган ландшафт самарасига эришиш, ёқимли микроиклим яратиш	Сатҳи текис ва поғонали боғларда
3	Ховуз–фаввора (канал фаввора)		ўзал сув манзараси ва мос микроиклим яратиш, сув тизгини ва товушдан ҳосил бўлган завқли самарага эришиш	Сатҳи текис ва поғонали боғларда
4	Шалола ва шаршара-лар		Сув қурилмаси томошаси–сувнинг оқ ёғдусидан завқланиш ва боғ муҳитида мос микроик-лим яратиш	Поғонали боғларда
5	Чадар		Сув қурилмаси томошаси–сувнинг оқ ёғдусидан завқланиш ҳиссиётини туғдириш ва муҳитда мос микроиклим яратиш	Поғонали боғларда
6	Чинни–хана		Инсон қалбини завқлантириши ва ландшафтда табиий микроиклими яратиш	Поғонали боғларда
7	Чабутра		Инсон қалбига завқ ва ором бериш, очиқ муҳитда ёқимли микроиклим ва дам олиш шароитини яратиш	Сатҳи текис ва поғонали боғларда

Темурийлар даври боғлари (Самарқанд, Ҳирот) ва Бобурийлар даври боғларининг (Қобул, Агра, Деҳли, Лаҳор, Фатихпур Секри, Кашмир) ландшафт ечимлари ва сув дунёсининг юқорида келтирилган кўринишларига назар солсак, уларда сув ҳавзалари, айниқса ховузлар боғ–саройлари ансамблининг марказини ташкил этганлигини, бу боғларда “Сув ва соя”нинг атроф–муҳит, яъни иморатлар архитектураси билан уйғунлашганини кўришимиз мумкин.

Юқоридагилардан шу нарса маълум бўладики, Амир Темур ва Темурийлар даври, сўнгра Бобур ва Бобурийлар даври боғ–паркчилик санъатида “Чорбоғ” услуби етакчи мавқени эгаллаган. Чорбоғ бу модулли (микёсий) боғ бўлиб, ҳудудий элементлари бош режавий ўққа нисбатан мунтазам симметрик жойлашган, қисмлари тўрт ва ундан кўп бўлган, бир–бирига тенг “Чорчаман” ва “Чаманлар”дан тузилган, атроф муҳитдан чегараланган тартибли боғдир. Унда кичик модул ролини чаманлар бажарса, катта модул бу чорчамандир. Чорбоғ ўзининг режавий ечимига кўра, инсон тафаккурининг энг олий тасаввуридаги “Жаннат боғи”га хос бўлган холислик назариясига, хандасавий уйғунлик ва модул тизимига асосланган.

Биз кўп йиллар давомида “Чорбоғ” услубидаги тарихий боғларнинг меъморий–ғоявий, ландшафт, боғ ҳудудини ободонлаштириш ва сув қурилмаларининг ечимлари қандай тамойилларга асосланганлигини тадқиқ қилиб қуйидаги хулосаларга келдик:

- боғ ҳудудини атроф–муҳитдан дарвоза ва деворлар орқали ажратиш;
- боғларнинг меъморий–режавий ва ландшафт ечимини жой рельефига мос тарзда шакллантириш, текис ҳудудларда мунтазам режали симметрик композицияли боғлар яратиш, қияликларда мунтазам режани эркин табиат кўринишдаги режавий ечимлар билан боғлаш;
- ҳар иккала режавий ечимда мунтазам тартибли модулли симметрик чорбоғ, чорчаман, хиёбон ва чорчинор композицияларини қўллаш, нотекис боғ ҳудудини поғоналарга бўлиб текислаш;
- боғларни кўкаламзорлаштиришда манзарали ва мевали дарахтларни қўллаш, боғда очиқ, ярим очиқ ва ёпиқ боғ муҳитларини яратиш, меъморий боғни ҳўжалик боғи билан мувофиқлаштириш, суғориш шаҳобчаларининг мунтазам ва тежамли тартибини белгилаш;

- боғлардаги “яшил дунёни” “сув дунёси” ва “хайвонот дунёси” билан уйғунлаштириш, ҳар бир дунёнинг экзотик турлари ва шакллари билан фойдаланиш;

- боғнинг бош биноси (сарой ёки кўшк)ни табиий ёки сунъий ишланган тагкурси, платформа ёки стилобатга жойлаштириш;

- боғ хиёбонларининг боши ва охири, кесишган жойларини гўзал меъморий композициялар (ховуз, фаввора, кўшк, воиш ва шу кабилар) билан безаш;

- хиёбонларни қуёш нурини эътиборга олиб уфқ томонларига мос ҳолда очик ва ёпиқ композицияларда кўкаламзорлаштириш ва кўпроқ сояли муҳитларни ташкил қилиш;

- боғлардаги сув ҳавзалари (ховузлар, ховуз–фавворалар, ариқлар, боғ саройини чор атрофдан ўраб турган каналлар, шалола ва шаршаралар, чодир, чиннихона ва чабутралар)нинг боғ–саройлар ва асосий хиёбонлар марказини ташкил этиши, боғларда “сув ва соя”ни атроф–муҳит, яъни боғ иморатлари архитектураси билан уйғунлаштириш.


Агар биз келажакда Ўрта Осиё халқларининг анъанавий боғ–парк санъатига хос “Чорбоғ” услубига асосланган боғларни яратишда мазкур диссертацияда келтирилган тамойилларга амал қилсак, уларни тарихий меросимиз ҳисобланган Самарқанд ва бошқа тарихий шаҳарларимиздаги янги боғлар ҳудудларини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, меъморий–ландшафт ва семантик ечимларига тадбиқ этсак, ўйлайманки, яқин келажакда нафақат Темурийлар боғларини қайта тиклашнинг, балки анъанавий ўзбек боғининг меъморий асосларини яратган бўлар эдик.

Боғлар бунёд этиш ва уларга оройиш бериш санъати Ўрта Осиёда жуда қадим замонлардан бошлаб шаклланиб келган. Бунга Ўрта Осиёнинг ўзига хос иқлими, серқуёшлиги, узоқ иссиқ ёзнинг ўткир таъсиридан сақланишга қаратилган ҳаракат ҳам сабаб бўлган. Бадавлат одамлар дастлаб шаҳарлар атрофидаги серсув жойларда боғлар бунёд этиб жазирама ёз кунларида соя

салқинда, ҳовузлар қошидаги супали шийпонларда, шаббода жойларда дам олишган. Бундай боғларда, одатда, серсоя манзарали дарахтлардан ташқари турли–туман мевали дарахтлар, хўжалик учун тоқлар ва бошқа экинлар экилган. Экинлар учун ер текисланиб челлар ишланган, ариқлар олинган, ҳовуз, шийпон, айвонлар, супалар, улар олдида эса мўъжаз гулзорлар ташкил қилинган. Ҳоким ва амалдорларнинг шаҳар четларидаги бундай оромгоҳлари атрофи пахса деворлар билан айлантирилиб, дарвозалар ишланган (Нозилов Д.А., 1997, 29–б.). Улар ёзги кўрғонча боғлар кўринишини олган. Бундай боғлар сахни ўқ ариқлар билан бир неча, одатда, тўрт қисмга бўлинган. Шундай симметрик ва мунтазам хандасавий тартибда режаланган боғлар халқ орасида, пировардида “чорбоғ” номини олган. Бадавлат оилалар ўз чорбоғлари ичига чиройли шийпонлар қуриб, ёз ойлари меҳмонларни шу боғларга таклиф қилишган. Бундай мўъжаз кўрғонча–чорбоғлар сув манбаларига яқин, нисбатан текис жойларда ёки тоғ ён бағирларидаги қияликларда бунёд этилган (Ожегов С.С., Ўролов А.С., Рахимов К.Д., 2004, 28–б.).

Ёзги кўрғонча–чорбоғлардан ташқари шаҳарлар ичида хусусий ҳовли боғлари, хиёбонлар, мўъжаз яшил майдонлар ҳам ташкил қилинган. Х аср охирида Самарқандга сайёҳатга келган араб географи Ибн Ҳавқал шаҳардаги яшил майдонлар ва улардаги турли хил оройишлар ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Шаҳар аркдан, шахристон ва унинг атроф жойларидаги рабодлардан иборат. Арк тепасига чиққанимда киши фақат тушида кўрувчи ниҳоятда ҳаяжонлантирарли кўринишдан қалбим завқланди: кўм–кўк дарахтлар, ярқираган қошоналар, шарқираб оқаётган анҳор ва жилғалар, атроф чет чаман, гулгун табиат. Ҳар бир жой, ҳар бир дарахт, ҳар бир гуллаётган боққа қараб қалбинг қувонади. Шаҳар майдончалари гўзаллигининг эса чеки йўқ. Сарв дарахтларига ўта ғалати оройишлар берилган. Булар бир–бирига зимдан ташланмоқчи бўлиб турган ёки бир–биридан ҳадиксираётган, ё эҳтимол танишмоқчи бўлаётган яшил сунъий филлар, туялар, сигирлар, ёввойи ҳай-

вонлар шаклини эслатади. Киши қалбини очадиган бундай яшил оройишлар хар қадамда. Буларга шарқираган ариқлар, балиқларга тўла ҳовузлар, дам олишга қулай кўшк ва шийпонлар қўшилган” (Записки путешественников о Самарканде, 1992, 26–27–б.).



**7–расм. Самарқанд шаҳри атрофидаги ёзги қўрғонча–чорбоғлар.
Д.А.Нозилов реконструкцияси**




8–расм. Тоғ ён бағрида жойлашган боғ реконструкцияси.Д.А.Нозилов бўйича

Ибн Ҳавқал яна бир бошқа жойда шаҳарнинг марказий қисмидаги кўпчилик уйларнинг мевали боғлари, барча ҳовлиларнинг суғориш ариқлари

борлигини эслайди. “Шаҳар боғларга бурканган, агар унга юқоридан карасангиз ҳатто уйлар кўринмай кетган”, дейди (Записки путешественников о Самарканде, 1992, 27–б.).

Ибн Ҳавқалнинг ушбу ёзганлари Самарқандда боғлар бунёд этиш анъанаси жуда қадимдан, яъни бу ерга Ибн Ҳавқал келгунга қадар ҳам мавжуд бўлганлигига, X асрнинг охирида эса шаҳристондаги майдонларда манзаравий дарахт ва буталар кузалганлигига, яъни дарахтлар оройиши санъатининг ҳам Самарқанд учун анъанавийлигига, ўзига хослигига ишорадир.



9–расм. Самарқандда X асрда манзаравий дарахтлардан кузаб ишланган”яшил ҳайвонот боғи”нинг график реконструкцияси. Н.В.Дробченко бўйича

Ҳерман Вамбери ўзининг “Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи” китобида Самарқандни мўғуллар истило қилганда (1221 й.) бу ердаги “уста боғбонлар Узоқ Шарққа, мўғуллар юртига юборилган эди» деган фикрни билдиради (Вамбери Ҳ., 1990, 25–б.). Маълумки, мўғуллар Самарқандни бир ярим асрга яқин давр ичида мустамлака қилиб турган. Ана шу узоқ йиллар давомида Самарқанд ва Мовароуннаҳрда деярли тўхтаб қолган боғчилик санъатини Амир Темури қайтадан ривожлантирди. Энди у кўргонча кўринишидаги боғлар ва шаҳар ичи майдонларидаги мўъжаз боғлар билан чегараланмасдан, шаҳар атрофларидаги хушманзара жойларда катта–катта ис-тироҳат боғ–саройларини ва улардаги турли хил гўзал оройишлар ва боғ зийнатларини авж олдириди.

Амир Темур бунёд этган истироҳат боғ–саройлари ўзларининг кенг кўлами, хуш хавоси, гўзал манзаралари, эртакнамо сарой ва кўшклари, ғаройиб ҳовуз ва фавворалари, беозор жонзотлари билан мўъжаз қўрғонча–чорбоғлардан ажралиб турган. Аммо истироҳат боғлари ҳам қўрғонча–чорбоғлар каби атрофларидан баланд деворлар билан айлантирилиб, дарвозалар орқали кириб чиқилган. Темур бунёд этган айрим истироҳат боғларининг майдони жуда катта бўлиб, улар ичида серсоя дарахтзорлар, турли меваги боғлар, ҳовузлар, гулзорлардан ташқари майсазорлар, ҳатто ўт–ялангликлар бўлган.



10–расм. Темур ва темурийлар боғларининг Самарқанд атрофида жойлашиши

Темурнинг шаҳар арки ичидаги Бўстонсарой қошида мўъжаз чорбоғ ҳам ташкил этганлиги ҳақида маълумотлар бор. Шунингдек, манбаларда шаҳзода Муҳаммад Султон қурдирган мадраса (ҳозирги Гўри Амир) атрофида “бир нечта уйни бузиб жаннат мисол бир боғча” яратилганлиги ҳам эслатиб ўтилади. Аммо, боғларнинг асосий қисмишаҳар атрофларида, хисордан ташқарида маҳобатли истироҳат боғ–саройлари тарзида бунёд этилган. Темурнинг ўзи ўндан зиёд шундай боғларга асос солган эди. Қуйида уларни санаб ўтамиз.

1. Боғи Нақши Жаҳон. Бу боғ XIV асрнинг 70–йилларида бунёд этилган деб тахмин қилинади (Пугаченкова Г.А., 1951, 147-б.). У Чўпон–ота қирлигининг жанубий этагидаги Обираҳмат ариғининг атрофларидаги ерларда жойлашга¹. Боғда зебу–зийнатга бой ҳашаматли сарой ҳам қурилган (Ширинов Т.Ш., Бердимуродов А., 1996).

2. Боғи Беҳишт. 1378-йилда Самарқанд ғарбида суюкли хотини Хайринисога атаб қурдирган. Айрим ёзма манбаларда «Боғи Жаннат» номи билан аталади. Боғ ўртасида атрофи хандақ билан муҳофаза этилган сунъий тепалик устида Табриз оқ мраммидан қурилган ҳашаматли сарой бўлган. Саройга бир неча кўтарма кўприклар орқали қирилган. Бу боғнинг бир тарафида ҳайвонот боғи бўлиб, унда турли хил жониворлар сақланган. (Клавихо, 1990, 112–б.).

3. Амирзода Шохрух боғи. Бу боғни 1394 йили Темурнинг кенжа ўғли Шохрух Мирзонинг Кавказ-орти юртлирига қилган юришидан қайтиши шарафига қурилган деб тахмин қилинади (Пугаченкова Г.А., 1987, 174–б.). Шарафиддин Али Яздий ушбу боғни Самарқанднинг ғарб томонида, Чорраҳа дарвозасига яқинерда жойлашганлигини ёзади (Шарафиддин А.Я., 1972).

4. Боғи Бўлду. Шаҳардан шарқ томонда Боғи Дилкушога яқин жойда ҳозирги Улуғбек номли жамоа хўжалиги ерида бўлган. Боғ саройи харобаларидан япроқлариға олтин суви юритилган гулдаста нақшлар топилган. М.Булатов ушбу боғ номини “Бўлди” эмас билди, яъни “Билимлар боғи (Боғи билди)”, деб тушунтиради.

Олимнинг фикрича, ушбу боғда Амир Темур сарой олимлари, ула-молар ва шеърят намояндалари билан йиғилишиб, турли хил илмий баҳслар, шеърят кечалари ва суҳ-батлар ўтказиб турган (Булатов М.С., 1993, 43-б.).

5. Боғи Дилкушо. (Кўнгил очувчи боғ) Ҳар тарафи 900 метр узунликдаги баланд пахса девор билан ўралган. Боғнинг тўртта дарвозаси марказида ҳашаматли сарой бўлган. Сарой уч қаватли бўлиб, ҳар

¹ Амир Темур боғларининг жойлашиш масаласида асосан Ў.Алимов тадқиқотлариға таянилади.

каватини фаввора безаб турган. Ҳозирги кунда бу боғ ўрнида Дилкушо кишлоғи жойлашган. Шарафиддин Али Яздийнинг фикрича, бу боғ, Мовароуннахрнинг энг яхши боғларидан бири бўлган. Боғда маҳобатли ва мунаққаш гумбазли уч равоқли кўшк–сарой ҳам қурилган бўлиб, у боғга садафдаги марварид каби эртакнамо чирой бериб турган. Айрим адабиётларда, ушбу боғ бизгача сақланиб қолган Ишратхона обидасининг атрофида қурилган. Ишратхонанинг ўзи эса ўша жаннатсимон боғнинг кўшки бўлган дейилади (Захидов П., 2007, китобнинг 1–қисми).

Кўшк деворларида Амир Темурнинг Ҳиндистон юришидаги жанг манзаралари тасвирланган. Али Яздийнинг хабар беришича, боғ қурилиши 1396 йилнинг кўзида бошланган. Боғ Темурнинг кичик хотини Тўкалхонимга атаб бунёд этилади ва нихоятда дилкушо ва кўркли бўлганлигидан “Боғи Дилкушо” деб номланади (Шарафиддин А.Я., 1997, 190-б.).

1404 йилнинг сентябрида Темурнинг қабулида бўлган испаниялик элчи Клавихо бу боғда фавворадан сув отилиб, сув юзида қизил ва оқ олмалар қалқиб турганлигини, боқ-қа кириладиган дарвоза жуда кенг ва юксак, олтин ва бошқа қимматбаҳо тошлар билан безатилганлигини, боғда устига тахтиравон ўрнатилган олтига фил борлигини ёзади (Клавихо, 1990, 107–б.). Бу филлар, фикримизча, соҳибқирон ва унинг оила аъзолари ёхуд улуғ меҳмонларни кенг боғ бўйлаб сайр эттиришда улов вазифасини бажарган кўринади.

6. Боғи Шамол. Темурнинг на-бираси–Мироншоҳнинг қизи Бека Султон номига атаб Самарқанддан ғарб томонда барпо этилади. Боғда 1397 йили “дилни ром этувчи гўзал ва баланд қаср” ҳам қурилади. Қасрнинг тарҳ–лавҳасини Темурнинг ўзи кўриб маъқуллайди (Шарафиддин А.Я., 1997, 187–б.). Боққа “Шамол” номининг берилиш сабабини тарихчи олимлардан Ў.Алимов ва А.Бердимуродовлар шаҳарнинг ушбу, яъни ғарб томонидан кўпроқ шамол эсиб турганлигидан деб тушунтирадилар (Алимов Ў, 1984, 12–б.; Бердимурдов А., 1996). Меъморчилик доктори М.Булатов эса “шамол”


сўзини “шамал” ўрнида кўриб, “шам”–шомлик, яъни суриялик, “ал” алоқадорлик, демак “шамал”, бу боғни “шомлик меъморлар қурган дегани”, деб тушунтиради (Булатов М.С., 1993. 42-б.). Темур боғларини қуришда Суриядан, яъни Шомдан келтирилган меъморлар иштирок этган бўлишлари мумкин. Лекин Шарафиддин Али Яздийнинг хабар беришича, ушбу боғ қурилган жой, у бунёд этилмасдан олдин ҳам Боғи Шамол номи билан машҳур бўлган (Алимов Ў., 1984, 12–б.). Демак, боғ бу ерда илгаридан мавжуд бўлган боғлар асосида шакллантирилган.

7. Боғи Зағон. Самарқанддан шарқда қадимий Панжикент карвон йўлининг устида, Кўчаи хиёбон мавзеидаги боғ. Ҳозир ушбу боғ ўрнида шу ном билан аталувчи қиш-лоқ мавжуд.

8. Боғи Баланд. Самарқанд шимолидаги Чўпонота мақбараси яқинида (ҳозирги аэропорт атрофи) набираси (Мироншоҳнинг қизи)га атаб қурдирган. Уни барпо қилишида эрон, Озарбайжон ва бошқа мамлакатларнинг боғбонлари ва меъморлари қатнашган. Боғ ўртасида Табриз оқ мрамаридан қурилган ҳашаматли қаср бўлиб, кўшк қад ростлаб турган, боғнинг атрофи баланд девор билан ўраб олинган, фақат шимолий томони Зарафшон дарёсининг қирғоқлари билан чегараланиб унинг атрофидаги узумзор, анжирзор ва олмазорлар боққа гўзал бир тароват бахш этиб турган.

9. Боғи Давлатобод. Самарқанд–Шаҳрисабз йўли устида Боғи Дилкушо билан Боғи Жаҳоннамо оралиғида жойлашган. Темур давлат юмушларидан бўшаганда ва харбий юришлардан сўнг шу боғда ҳордиқ чиқарар экан. Боғда олтита турли ҳовуз бўлиб, улар ариқлар билан туташтирилган. Ҳовузларни турли паррандалар, боғни эса нафис хайвонлар, товуслар беаган. Боғ саро-йи баланд сунъий тепалик устига қурилган бўлиб, атрофи хандақ билан ўралган. Унга иккита кўтарма кўприк орқали қирилган. Ундан атрофдаги гўзал хушманзара жойлар кўриниб турган (Алимов Ў., 1984, 13–б.).

10. Боғи Чинор. Боғда дов-дарахт, чинорлар кўп бўлганлигидан шундай деб ном олган. Самарқанддан шарқ томонда, Дарғом ариғи атрофида ҳозирги Хўжа қишлоғи ёнида жойлашган. Ушбу боғдаги сарой ҳам сунъий тепалик устига қурилган.



11-расм. Темурийлар бунёд этган чорбоғларнинг биридаги ёзги кўшк.
“Бобурнома”га ишланган миниатюра. XV аср.

11. Тахти Қорача боғи. Бу боғ Шахрисабз йўлидаги Зарафшон тоғи довони этагидаги анҳор атрофларида бунёд этилган. “Иморат қуришга яроқли ҳар бир жойнинг зое кетишини раво кўрмайдиган” Темур бу мавзеда ҳам боғ салмоққа фармон беради (Шарафиддин А.Я., 1997, 191–б.). Боғ ўртасига бир кўшк қурилиб, унга “Тахти Қорача” деб ном беради. Тахти Қорачанинг суви қаҳрабодек тиниқ, биллур каби тоза бўлган.

12. Боғи Жаҳоннамо. . (Жаҳон кўзгуси). Соҳибқирон бу боғни Самарқанддан етти фарсах (42 км) нарида, Зарафшон тоғи этагида қурдирган. Бу боғда дунё иқлимига хос мевазорлар бўлиб, уни боғ-ойна ҳам

дейишган. Боғ Самарқанддан анча жанубда, Ургут тоғлари этакларида жойлашган. Унда сарой ва қалъа қурилган.

13. Боғи Майдон. Самарқанддан шимолда Афросиёб тепалиги билан Чўпон–ота қирларининг ўртасида, ҳозирги Боғи Майдон мавзеи ўрнида барпо этилган. М.Булатов ушбу боғ номидан келиб чиқиб, у чавгон ўйини учун мўлжалланган бўлган, деган фикрни илгари суради (Булатов М.С., 1993, 42–б). Чавгон ўйини учун зарур бўлган текис чимлик майдон ушбу боғ ҳудуди таркибига кирган бўлиши мумкин. Бироқ, боғда чавгондан ташқари ўша давр миллий ўйинларига кирган “тирандозлик” ҳам ўтказилиб турган бўлса ажаб эмас. Бу фикрни ўрта аср миниатюралари ҳам тасдиқлайди.

Боғнинг асосий ривожланиш даври Улуғбек даврига тўғри кела-ди. Чунки у Улуғбек ташкил этган расадхонага яқин жойлашган ва расадхона олимларининг дам олишларига мослаштирилган эди. Улуғбек ушбу боғда Чилсутун номли икки қаватли ҳашаматли. сарой ҳам барпо этади (Бобир З.М., 1989, 45–б.)

14. Боғи Нав. Амир Темурунинг Самарқандда қурган боғлари ичида энг сўнгиси бўлиб, 1404 йили бунёд этилган. Самарқанд шаҳар деворига яқин, ундан жанубий ғарбда, тах-минан ҳозирги Дорилфунун хиёбони ва шаҳар марказий маданият ва истироҳат боғи ҳудудлари ўрнида жойлашган. Шунини таъкидлаш керакки, бу гўшаларнинг эшиклари соҳибқироннинг ўзидан тортиб оддий шаҳарликкача–барча учун очик бўлган. “Агар Темуру бирор томонга отланиб Самарқанд (унинг) қўшинлари–ю ёрдамчиларидан ҳоли бўлиб, ўша бўстонлар бўш қолса, шаҳар аҳлидан бадавлат–у мискинлар (бўстон) ларга қараб йўл оладилар.



12–расм. Тирандозлик ўйини. Алишер Навоий девонига ишланган миниатюрадан. XVI аср.


Чунки бу боғлардан кўра яхшироқ ва ажойиб дам оладиган, роҳатланишга мувофиқроқ ва осойиштароқ жой йўқ эди. Боғлардаги ширин, мазали мевалар эса барчага баб–баравар (текин) эди” (Ибн Арабшоҳ, 1993, 83–б.). Боғлардан чиққан тароват ва хушхаво жазирама кунларда Самарқанд иқлимини мўътадил сақлаб турарди.

Темур ушбу истироҳат боғ–саройларидан ташқари Шаҳрисабздаги Оқсарой қошида, шунингдек Яссадаги Хожа Аҳмад мақбара мажмуаси ёнида ҳам гўзал ва мунаққаш боғлар яратган эди.

Темур ва темурийлар даврида Хуросон пойтахти Ҳиротда ҳам Самарқанд боғларига ўхшаш гўзал боғ–роғлар бунёд этилади. Ҳирот шаҳри атрофидаги мавзеларда Темур даврига қадар ҳам маҳаллий зодагонлар қурган бир неча боғлар бўлиб, улардан Боғи Баланд, Боғи Зоғон, Боғи Сафедлар

Шохрух даврида салтанатнинг ёзги қароргоҳи ва халқ сайлларини ўтказиб туриш учун фойдаланилган. Шохрух ўз ҳокимиятининг дастлабки йилларида Боғи Сафед ҳудудини анча кенгайтириб, боғни қайта қуради ва унда тасвирий санъат асарлари билан зийнатланган мунаққаш бир сарой бунёд этиради (Уралов А.С. Ҳожихонов М., 1996, 102–б.).


Султон Ҳусайн Бойқаро даврида Ҳирот атрофларида бир неча боғ–саройлар ва хиёбонлар мавжуд бўлган. Улар ичида энг йириги Ҳусайн Бойқаро бунёд этган Боғи Жаҳонаро ҳисобланган. Бу боғ салкам бир квадрат километр (100 гектар) жойга эга бўлиб, боғнинг ўртасида маҳобатли баланд сарой қурилган.



13–расм. Чорбоғ, хиёбон ва чорчаман услуботида бунёд этилган боғ. XVI аср.

Сарой олдида гулзор, мевали ва манзарали ям–яшил дарахтлар билан безатилган чорбоғ ва чорчаман ҳамда хиёбон услубларида ташкил этилган тўртта боғ бўлган. Боғнинг шимолий атрофидаги кенг ҳовузнинг тўрт

томонида тўртта зийнатли шийпон ва камондан нишонга ёй отиб, машқ ва мусобақалар ўтказишга мўлжалланган махсус бино—садафхона ҳам бўлган. Боғда қаторлаб экилган турли хил мевали дарахтлар, токзор, сарв, оққарағай, мажнунтол, чинор, шунингдек, турли—туман гулзорлар бўлган (Уралов А.С. Ҳожихонов М., 1996, 172–б.).



**14–расм. Ҳирот боғларининг биридаги “Ҳовузи Моҳиён”.
XV аср миниатюрасидан.**

Хондамирнинг хабар беришича, Навоий ҳам Ҳирот шаҳри атрофида бир неча боғ ва манзилгоҳлар бунёд этган. Боғи Мурғоний, Боғи Сарипули—Сангашон (тош ташувчилар кўприги ёнидаги боғ), Боғчаи Шавқия (Дилкушо Боғи), Боғчаи Гузургоҳ ва Тахти Бобо Сухта манзиллари шулар жумласидандир. Сангашон боғи ҳақида Хондамир ўзининг “Хулосат ул—ахбор”ида: ”Бу жаннатфазилат манзил, ундайин гаштгоҳ бутун Хуросонда ҳам топилмагай”,—деб ёзади. Шавқия боғи эса ниҳоятда тоза жой бўлиб, ўртасидан сув оқиб ўтган. Боғчаи Гузургоҳни Хондамир: “Хуросон юртида, балки оламнинг аксари обод ерларида бундайин суви мазалик ва ҳавоси латиф жаннатсимон жой топилмайди”, деб таърифласа, Тахти Бобо Сухтани: “Қутлуг манзил. Боғчаи Гузургоҳнинг шимолий тарафида жойлашган ва

тавсифутаърифга мухтож эмасдур. Амир Алишер кўп замон ва йиллар ушбу жаннатасар манзилда роҳату–фароғатда кун кечирсин”, деб истак билдиради.

1.3.Хонликлар даври боғларини тадқиқ қилиш

Хонликлар даври боғ-парклари.Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида XIX асрда, маълумки учта хонлик мавжуд бўлган: Бухоро, Қўқон ва Хива хонликлари. Зарафшон воҳаси эса Бухоро хонлиги чегараларига кирган. Географик жойлашуви, табиий иқлим шароитлари ва сиёсий чекланганлиги туфайли ушбу хонликлар ҳудудида ўзига хос меъморий–бадий мактаблар: Бухоро, Фарғона, Хоразм меъморчилик мактаблари тарракий этади. Бу мактаблар намояндалари қурган бино ва иншоотлар, боғ–сарой ва чорбоғлар ўзларининг ҳажмий режавий, ландшафт композициялари, меъморий қурилмалари, бадий безаклари билан бир–биридан фарқ қилади.

Бухоро хонлиги боғ–саройлари Фарғона ва Хоразм хонликлари боғ–саройларидан шаҳарлардан ташқарида кенг ҳудудда, алоҳида боғ–ансамбл тарзида шаклланганлиги билан фарқ қилади. Бу хусусият Бухоро шаҳри ёнида жойлашган Ситораи Моҳи–Хоса ва Ширбудун боғ–саройлари мисолида ёрқин акс этган. Ушбу боғ–саройларнинг охириги бизгача сақланмаган. Улар таркибига кирган қабулхона, яшаш хоналари, масжид, ёзги сарой, ошхона, ҳарам ва бошқа иморатлар кенг боғ бағрида такрор ҳолда жойлашган.

Когонда хон саройи қошидаги боғ эса бундан кескин фарқ қилиб, унда сарой бинолари ва ёрдамчи хоналар яхлит меъморий мажмуа тарзида бир бинода қурилган. Боғнинг режаси мунтазам композицияга эга. Бухородаги Моҳи Хоса боғ–саройида эса алоҳида турган ёзги кўшк, ҳовуз соҳилидаги шийпон ва тантанали залга ёндашган равоқлар раҳрави кўзда тутилган.

Бухоронинг охириги юз йиллик боғ–саройлари архитектурасида Европага хос қурилиш маданияти ўз аксини топган. Ширбудунда, Когонда ва

Ситораи Моҳи–Хосадаги боғ–саройлар архитектурасида турли даврлар ва ўлкаларга хос боғ–паркчилик маданияти ўзаро қўшилиб кетган. Жумладан, уларда Ўрта Осиёга хос чорбоғ услуби, рус ва мавритания, готик ва маҳаллий бадиий унсурларни кузатиш мумкин.

Моҳи–Хоса бошқа боғ–саройлардан фарқли ўлароқ, чорбоғ услубига яқин туради. Худуди нисбатан мунтазам режага асосланиб, хиёбонлар, чаманлар, чорбоққа хос ҳайвонот дунёси, ландшафт ечими, катта ҳовуз ва унинг бўйидаги кўшк мавжуд.

Боғнинг энг гўзал иморатларидан бири бу Оксарой бўлиб, унинг ичкараси жимжимадор нафис ганч нақшлар, жозибадор гулганчлар билан безалган. Саройнинг Оксарой дейилишига сабаб саройнинг кўзни камаштирадиган даражадаги оппоқ безакларидир.

Боғнинг жанубида икки қаватли кўшк ва унинг олдида Ўрта Осиёдаги энг улкан, атрофлари кулранг мармарлар билан қопланган ҳовуз қурилган.

Темур ва темурийлар даврида Мовароуннахр ва Хуросонда, сўнгра Бобур ва Бобурийлар даврида Афғонистонда ва Ҳиндистонда, сўнгра Ўрта Осиёда хонликлар даврида қурилган боғ–саройларнинг функционал таснифини қуйидагича кўрсатиш мумкин:

- элчилар ва хорижий меҳмон-ларни қабул қилишга мўлжалланган боғ–саройлар. Бунга мисол қилиб Самарқанд шаҳри атрофида бунёд этилган Боғи Дилкушони кўрсатиш мумкин;

- олим ва уламолар билан суҳбат уюштириш ва дам олиш боғлари. Бунга асосан Самарқанд атрофидаги Боғи Бўлдуни кўрсатиш мумкин;

- қўриқхона ва ов қилишга мўлжалланган боғлар. Самарқанд атрофидаги Боғи Жаҳоннамо ва Боғи Нақши–жаҳонлар шундай боғлар бўлган деб ҳисобланади;

- миллий спорт ўйинлари ва байрамларни ўтказишга мўлжалланган боғлар. Масалан, Самарқанддаги Боғи Майдонда миллий “чавгон” ўйини учун махсус кенг ва текис яшил майдон ташкил қилинган;

- ҳукмдорларнинг оилалари билан дам олиш ва кўнгил очар боғ-саройлари. Масалан, Самарқанд атрофидаги Боғи Давлатобод, Боғи Беҳишт ва Боғи Шамол шундай боғлар бўлган;


- мақбара боғлар. Бобурийлар Агра ва Дехлида бунёд этган Тож-Маҳал ва Хумоюн мақбара боғ-саройлари.

Табиийки, бу боғ-саройларни яратган меъмор ва боғбонлар уларда ўша давр боғ-парк санъатининг энг яхши намуналарини акс эттиришга интиланлар.

Темур ва Темурийлар боғлари учун кўпроқ илгаридан мавжуд манзилгоҳлар, суви етарлик боғлар, хушманзара дарахтзорлар, ўт-ўланлар кўшиб олиниб, қайтадан режаланган, махсус лойиҳаланган.

Фақат айрим боғлар янгитдан ишланган. Ҳар иккала ҳолда ҳам улар учун манзарага бой жойлар танланган.





15–расм. Бухородаги Ситораи Моҳи Хоса бог–саройида (XIX аср) анъанавий Чорбоғ услубининг қўлланилиши: а–боғ–саройи ва ҳовузининг умумий кўриниши; б–боғ режаси.

1.4.Ўрта Осиёда Чор Россияси даври боғлари

Маълумки, XIX асрнинг иккинчи яримида Чор Россияси армияси Марказий Осиёнинг йирик шаҳарлари: Алма–ота, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Фарғона, Қўқон каби шаҳарларини истило қилади. Босиб олинган ҳар бир шаҳарда улар ўз кўними ва тинчлигини таъминлаб бўлгач, ўзлари ва армиясининг эркин жойлашиши, шаҳарлар ва округларни бошқариш каби ўлкадаги ўз вазифаларини бошлаб юборади. Ўрта Осиё шаҳарларининг эски қисми эса ўзгаришсиз ўз хо–лича қолдирилади (Ахмедов М.Қ., 1996, 131–б.).

Чор Россияси армияси эгаллаган Ўрта Осиё тарихий шаҳарларида ўзлари учун шаҳарнинг янги “европача” қисмини шакллантирадилар. Шаҳарларнинг янги европача қисмида армия батальонлари, рус корчалонлари ва уларга хизмат кўрсатувчи русий забон аҳоли жойлаштирилиб, уларнинг эркин ва осойишта, европача турмуш тарзи ва маданияти асосида яшашдари учун барча тегишли шарт–шароитлар яратиб

берилади. Маиший турмуш ва тиббий бинолардан тортиб, то христиан дини черковларигача қурилади (Хусаинова А.А., 1979, 41–б.).

Бунинг учун эса энг аввало Чор Россияси ҳукумати Ўрта Осиёнинг истило этилган шаҳарларида янги европача шаҳар қуриш режалари ва лойиҳаларини ишлаб чиқиб, уларни ўз армиялари ва маҳаллий халқ кучи ёрдамида амалга оширишга киришадилар. Масалан, Самарқандда бунинг учун энг қулай шаҳарсозлик режаси тарзида шаҳардаги мавжуд тарихий арк–қалъадан бошлаб, унга нисбатан радиал–доира шаклида жойлаштирилган янги шаҳар қурилиши амалга оширилади.

Ўқдай тўғри радиал ва айлана кўчалар қурилиши ва уларни европача кўкаламзорлаштириш, кўчалар четига манзаравий дарахтларни қаторлаб экиш, тротуарлаштириш вужудга келади (Хусаинова А.А., 1979, 42–б.).



16–расм. Чор Россияси даврида Европача шаҳар кўчаларининг кўкаламзорлаштирилиши. XIX аср охири

Самарқанд шаҳар коменданти биноси жойлашган кўча бўйлаб европа шаҳарларига хос узун ва кенг хиёбон “бульвар” лойиҳаси ишланиб, амалга оширилади. Бу бульвар (у ўша даврда “Абрамовский бульвар” деб аталган) шаҳарнинг янги европача қисмини эски тарихий қисмидан ажратиб турган. Унинг дастлабки майдони 7 гектар, узунлиги–804 м, эни 133 м бўлган (Русанов Ф.Н., 1979, 24–б.). Узун ва энли бульвар бўйлаб дастлаб тўртта ёпиқ хиёбон ташкил этилган. Хиёбонларга чинор ва “Сафидори Самарқандий” деб

номланган соя берувчи оқ терак дарахтлари экилган. Кейинчалик собиқ Шўро ҳукумати даврида бульвар эни анча қисқариб четки хиёбонлар ўрнига магистрал кўчалар ўтказилади. Натижада у торайиб икки хиёбонлик бульварга, яъни ҳозирги кўринишига келиб қолади. Шаҳар коменданти биносининг олди ва орқасида унга туташ тарзда боғ ташкил этилади. У дастлаб 6,5 гектар бўлган.

Янги шаҳар марказида эса Зарафшон ҳарбий округи бошлиғи биносининг атрофида ҳудуди 5,67 гектарлик янги боғ ташкил этилади (Хусаинова А.А., 1979, 46-б).

Бу боғлар бутунлай европача услубда ташкиллаштирилган бўлиб, уларни режалаштиришда маҳаллий Ўрта Осиё халқларининг тарихий боғ–парк қадриятларидан, масалан чорбоғ услубидан фойдаланилмаган.

Округ бошлиғи биносининг олдида 1868 йилдаги жангда қурбон бўлган русларга атаб ёдгорлик ва боғча бунёд этилади.



17–расм. Самарқанд. “Абрамовский бульвар”нинг ҳозирги кўриниши



18–расм. Самарқанд шаҳри комендантининг бош биноси атрофидаги боғ. Тарихий сурат

Шаҳар коменданти боғи ичида манзарали кўл ҳам мавжуд бўлиб, боғ атрофи девор билан айлантилган ва ундан асосан рус ҳарбийлари ва уларнинг оилалари фойдаланган. Кўл ичида оролча яратилиб, баланд ўсувчи ва соя берувчи кўр кам дарахтлар экилган. Уларнинг айримлари, масалан, ботқоқ кипариси ҳозир ҳам сақланиб қолган. Шўролар даврида бу боғлар бир–

бирига қўшиб юборилиб, социалистик тизимга хос бизгача етиб келган марказий “маданият ва истироҳат боғи” ташкил этилади.

II–БОБ. ИСТИРОҲАТ БОҒЛАРИНИ МЕЪМОРИЙ–ЛАНДШАФТ ТАШКИЛЛАШТИРИШ ВА ЛОЙИҲАЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ АНЪАНАЛАРИ

2.1.Истироҳат боғларини меъморий–ландшафт ташкиллаштириш ва лойиҳалашнинг замонавий анъаналари ташкиллаштиришнинг ватанимиз тажрибалари

Туман марказлари истироҳат боғларини меъморий–ландшафт ташкиллаштиришнинг илғор анъаналари:

- Боғ ландшафтида “топиар” санъатини қўллаш ва унинг миллий шакллари ишлаб чиқиш;
- Боғ меъморий–режавий ва ландшафт ечимларида анъанавий “Чорбоғ”, “Чортоқ”, “Чорчинор” ва “Хиёбон” композицияларини қайта тиклаш;
- Боғ аттракционлари таркибига замонавий кўнгил очар ва оқартув функциялари: оранжерея, альпинизм ва ҳ.к. киритиш;
- Боғда маънавий–маърифат ва халқ фахрийлари хиёбонини ташкил қилиш;
- Боғ ландшафтини яратишда ховузлар, чорпоя ва айвонлар, чархпалак ва войишлар сўри, кўшк каби миллий меъморий шакллари қўллаш;
- Боғ ландшафтини шакллантиришда “фитомодул”, “фитопластика” хайкаллардан ва “Нур архитектураси” шаклларида самарали фойдаланиш;
- Боғ ландшафтни дизайнини ишлашда халқ амалий санъати, ўзбек этнографик нақшлари, тасвирий ойна шаклларида фойдаланиш.

2.2.Истироҳат боғларини меъморий–ландшафт ташкиллаштириш ва лойиҳалашнинг замонавий анъаналари ташкиллаштиришнинг хорижий тажрибалари

Ландшафт архитектураси ва дизайни масалалари айрим ривожланган Осиё, Европа ва Америка мамлакаларида давлат сиёсати, ҳатто халқ миллий

мафкуриси билан омихта тарзда қоришиб кетган. Масалан, Япония, Хитой, Франция, Германия, Чехия, Англия, Бразилия, Голландия, Россия, Латвия, Эстония каби мамлакатларда шаҳар ва қишлоқларни кўкаламзорлаштириш, ландшафт архитектураси ва дизайнининг савияси миллат ғурури ҳисобланади [123].

Кейинги 10–20 йиллар ичида хорижий давлатлар ландшафт архитектурасида одатий рекреацион истироҳат ва кўнгилочар боғ–паркларидан ташқари тематик боғлар: кўргазма боғлар, партер боғлар, сув боғи, кўрик боғ (сад–заповедник), кайфият боғлари, узлуксиз гулловчи модулли боғлар, полиз боғлар, моҳлар боғи, ҳайкаллар боғи каби мўъжаз боғлар турларини яратиш амалиёти кучга кирган [62; 64]. Кўпгина Европа ва Узоқ Шарқ мамлакатларида, шунингдек Америка ва Японияда йирик жамоат ва ер ости бинолари ва айрим турар жойлар томларида нафақат манзаравий мақсад учун, балки рекреацион, яъни дам олиш мақсадида ҳам боғлар бунёд этилган [81]. Улар кўкаламзорлар ҳудудини кенгайтиришдан ташқари ҳавони чанглардан, зарарли газлардан том устини эса қуёш нуридан сақлаб, пастки қаватлардаги ҳаво ҳароратини сусайтиришга ҳам ёрдам беради. Том боғларини бадийлаштириш мақсадида чуқур бўлмаган декоратив бассейнлар, сув сачратгичлар ва мўъжаз фавворалар қўлланилган. Уларни кўкаламзорлаштиришда майсалар, ер ёпар ўсимликлардан ишланган гулзорлар, тик кўкаламзорлаштиришда қўлланиладиган лиан ва буталардан ҳамда контейнерларга ўрнатилган турли экзотик ўсимликлардан фойдаланилган.

Полиз боғлари–бу қишлоқ боғлари ёки “кантри” стилидаги боғларнинг бир тури бўлиб, одатда, мунтазам режада тўғри геометрик шаклдаги грядка–клумбалар билан лойиҳаланган. Полиз боғ бу ҳосилли боғнинг дам олиш боғи билан синтезлашган кўринишидир [105]. Унда гул–чаманлар, партерлар ўрнини полиз экинлари экилган грядкалар, клумбалар эгаллайди. Бироқ, бундай боғда айланиб дам олиш, ўтириб суҳбатлашиш, табиатни томоша қилиш учун ҳам етарлича шароитлар яратилган. Шунинг учун ҳам бундай

боғни биз қишлоқлардаги ҳовлили уйларда, жамоат биноларининг ҳовлиларида қўллаш учун таклиф қиламиз. Бундай боғ бизнинг ўзбекона удумларимизга тамоман мос келади деб ўйлайман.

Чет мамлакатлар, жумладан Франция, Англия, Германия каби давлатлар ландшафт архитектурасида модулли боғларни яратиш ва қўллаш амалиёти кенг кучга кирган. Модулли боғлар—бу объект ҳудудининг муайян бир қисмини кўкаламлаштириш ёки гулзорлар билан безашнинг замонавий усули ҳисобланиб, унда юзаси турлича ёки бир хил тўлдирилган такрорланувчи яшил геометрик модуллашган тизим қўлланилади. Такрорланувчи бундай гулзорлар модулли, мунтазам жойлашган дарахтлар ва буталар ёки майсалар модулли боғни ҳосил қилади. Модулли боғлар, тик (вертикал) гиламсимон боғлар, манзарали деворлар ёки ям—яшил фасадлар Европа шаҳарларидаги очик кўкаламзор ҳудудларнинг кун сайин қисқариб бориши оқибатида вужудга келмоқда. Кўкаламзорлаштириш объекти энди шаҳардаги очик муҳитлар эмас, балки иморатларнинг тик ташқи фасадлари, том устилари, балконлар, эркерлардир. Фасадлар энди яшил деворлар, ўзига хос гиламнусха “Осма боғлар” ёки яшил гиламлар кўринишини олмоқда. Иморатларнинг яшил деворлар технологиясига ландшафт архитектори Патрик Бланка асос солган. Ҳозирги кундаги яшил фасадлар ҳам унинг технологияси билан яратилмоқда. Бу технологиянинг ўзига хослиги шундаки, унда ўсимликларнинг осилган матоларнинг киссаларига экилганлигида, тупроқнинг деярли йўқлигида, бир метрида 30 кгдан ошмайдиган солиштирма оғирлигидадир. Маълумки, матонинг пастки қатламлари юқорисига кўра хўлроқ бўлади, чунки тик осилган “яшил гилам” юзасини суғориш жараёни бутун юза бўйлаб юқоридан пастга томон амалга оширилади.

Боғларни яратишдаги модулли ёндошув тик “гиламсимон” боғларни шакллантиришда ҳам қўлланилиб, бу услубда яратилган тик осма боғларда ўсимликлар модул тизимида жойлаштирилади. Шу сабадан улар яна “фитомодуллер” деб ҳам аталади.

Фитомодул—бу, одатда, металл ёки пластик материаллардан ишланган кути бўлиб, шаклига кўра оёқ кийими солинган каробкага ўхшаб кетади. Кутига ўсимлик танланган технологияга кўра тупроқ билан ёки тупроқсиз экилади. Шундан сўнг фитомодуллар ўсимликларнинг илдизланиши учун горизонтал ҳолатда бир неча ҳафта сақланиб, кейин девор юзасига монтаж қилинади ва қарабсизки, тик осма боғлар тайёр.

Таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда хорижда қишлоқ коттежлари, ёзги дачалар қошидаги кичик боғлар кенг тус олган. Бундай боғларда сувнинг динамик ва статик ҳолатларини намоён этувчи сув қурилмаларидан фойдаланиш, ҳатто махсус қурилмалар ёрдамида ҳовлида сувнинг “радуга” кўринишини яратишга ҳам эришилмоқда. Узоқ хорижий давлатлардаги коттеж ҳовли боғларида, ҳатто улар кичикроқ ўлчамларга эга бўлса ҳам, сув қурилмаларининг яхлит бир тизими, яъни ўз режавий таркибига булоқ, ирмоқ, декоратив бассейн, чўмилиш бассейни каби шаклларини қамраб олган композицияларидан ҳам фойдаланилмоқда. Бундай сув қурилмалари, одатда, эркин табиий шаклларда бўлиб, кучли ижобий эмоционал таъсир кўрсатиш қобилиятига эгадир. Ҳовлили коттежларда яшовчи кўп сонли европаликлар учун сувнинг шилдираётган товушини эшитиш болаликдан одат бўлган. Кўпгина кичик ҳовли боғларида бундай сув қурилмалари коттеж биноси қошида ёки унга жуда яқин жойлаштирилган. Уларнинг чегаралари одатда табиий тошлар ёки бетондан ишланган бортлар билан безатилган.

Кейинги 10–20 йилликларда Хитой, Нидерландия, Германия каби давлатлар ландшафт архитектурасида ташқи очик муҳитларни безовчи фитопластика элементларини, яъни ҳажмий конструкциясига озуқа берувчи енгил субстратлар шимдирилган турлича кўринишдаги дизайн шаклларини чирмашиб ўсувчи лианлар ёки ерёпар ўсимликлар билан манзаравийлаштириш анъана тусига кирди. Ана шундай ландшафт дизайни қурилмаларининг бири мохли деворлар ҳисобланади. Бундай деворларни яратиш учун 2–3 см сетка (тўр)лар тайёрланиб, уларнинг ичига қалинлиги 5 см.дан кам бўлмаган мох қатлами тортилади. Ташқи юзалар эса торф

доначалари билан тўлдирилади, 1 кв.м. юзага 100–150 грамм минерал ўғит берилади.

Фитопластик элементларнинг шакли турли–туман бўлиб, улар турли хил ҳайвонлар ва ҳайкаллар, учишга тайёрланаётган қушлар ва капалакларни, юқорига сакраётган балиқларни эслатади. Айрим ҳолларда улар сув шаршаралари ва ҳовузлар билан боғланган бўлади.

Чет мамлакатларда топиар боғлар яратиш тажрибаси ҳам кенг ривож топган. Ўсимликларга сунъий шакллар бериш санъати, айниқса Хитой ва Германияда одат тусига кирган.

Хорижий давлатлар (Хитой, Франция, Германия, Исроил) ландшафт архитектурасида муҳитни манзаравий ёруғлантириш мақсадида “нур архитектураси” (световая архитектура)нинг янги технологияларини қўллаш (нур тарқатувчи бордюрлар, гирляндлар, сунъий буталар, нур чиқарувчи соябонлар, ландшафт архитектураси объектлари ҳудудининг тўшамаларида қўлланган нурланувчи плиткалар, соҳиллар ва тиргак деворлар тизимидаги “нур таратувчи геопластика”), турлича манзарали ёрқин рангларни қўллаш, буларнинг барчаси қишлоқ ва туман шаҳарчалари ландшафт дизайнига янгича оҳанг ва тус киритувчи замонавий йўналишлардир.

Исроилнинг Кармель қирлигида бунёд этилган Бахайа черкови ва боғ хиёбонининг ландшафт ечими алоҳида диққатга сазовордир. “Дунёнинг саккизинчи мўъжизаси” деб ном олган ушбу боғ–парк ансамбли тоғ ва қирлик жойларда ташкил этиладиган ландшафт архитектураси ва дизайнининг ноёб намунасидир [78]. Тик қирлик бўйлаб поғонасимон тарзда бунёд этилган ушбу боғ хиёбони ва ансамблида, айти пайтда, нур архитектурасининг илғор технологиялари қўлланилган. Қўлланилган қурилиш материаллари, фавворалар ва ўсимлик дунёсининг дизайни ўзининг экзотик жиҳатлари билан ажралиб туради.

Хорижий давлатларда охириги 20 йилликда бинолар ва ландшафт архитектураси объектларини лойиҳалашда табиат ва инсон экологиясини уйғунлаштириш ҳарати шаклланди. Бу ғоя ва йўналишда қатор янги боғлар

яратилиб, улар “Замонавий экологик боғлар” номини олган. Уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Лойиҳаланаётган жой табиатининг бир қисми тарзида яратилган боғлар;

2. Лойиҳаланаётган бино муҳандислик тизимининг бир қисми сифатида шакллантирилган боғлар;

3. “Яшил архитектура” тарзида, яъни бино ва боғ муштараклигида яратилган боғлар [68]. Ушбу гуруҳларга кирган боғлардан биринчисини Ўзбекистон қишлоқлари боғ–паркларини яратишда қўллаш мумкин. Бу гуруҳга кирувчи боғларда лойиҳаланаётган жой табиатининг гўзаллиги, асосан ушбу жойга хос маҳаллий ўсимликлар ландшафти ҳал қилувчи кучга эга бўлди. Бундай боғларда парвариши қийин, қўшимча энергия ва куч талаб қиладиган, мазкур жойга хос бўлмаган ўсимликлар қўлланилмайди. Масалан, иқлими жуда иссиқ ва қуруқ бўлган жойлардаги боғларда майсалар ўстириш, яшил майсазорларни шакллантириш ва парваришlash қийин ва кўп куч талаб қилади. Бундай ҳолларда ушбу жойлар табиатига азалдан хос ва анъанавий бўлган ёввойи ер ёпар ўсимликларни, иссиққа ва қуруқликка чидамли дарахт ва буталарни қўллаш мақсадга мувофиқ деб топилган. Хуллас, бундай боғларда атроф муҳит гўзаллиги ва маҳаллий жонли табиат флорасидан фойдаланиш бирламчи аҳамиятга эга. Мазкур боғларда инсон ва ландшафт табиатининг бир қисми, унинг давомчиси деб қаралди [68].

Замонавий боғларнинг шаклланишига турли–туман омиллар: янги инновацион технологиялар ва материаллардан тортиб, то жамиятдаги сиёсий хотиржамлик ва тинч-тотувлик, ўзига тўқ янги авлоднинг миллий синфи, янги дунёвий тафаккур ва юксак эстетик эҳтиёжлар, шунингдек ландшафт архитектурасининг ривожини ва такомиллашувига ҳозирги замон халқ амалий санъатининг ҳам таъсири каттадир.

Хорижий мамлакатлар (АҚШ, Бразилия, Франция)лардаги замонавий қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудлари, айниқса, кейинги йилларда қурилаётган қишлоқ шаҳарчалари бинолари, хусусан маъмурий, маданий–маиший, савдо

ва турар жой мавзелари худудининг ландшафт ечимлари, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш усуллари катта шаҳарларникига яқин туради.

Шундай қилиб, хорижий мамлакатлардаги қишлоқ ландшафт архитектураси тажрибаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, хорижий давлатлардаги қишлоқлар асосан агросаноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш комплекслари билан боғлиқ бўлиб, қишлоқ посёлкаларининг ландшафт архитектураси шаҳарлар ландшафт архитектураси савиясидан деярли қолишмайди. АҚШ, Исроил ва Голландиянинг айрим қишлоқларини кўкаламзорлаштиришда фитомодул, фитоластика ва тувакли ўсимликлар ҳамда гидропоника усуллари кенг фойдаланиш йўлга қўйилган. Хориждаги агросаноат ва ишлаб чиқариш билан машғул аҳолининг меъморий шаҳарсозлик ва ландшафт ечимлари Ўзбекистоннинг Мустақиллик йилларида амалга ошираётган намунавий қишлоқларини эслатади. Шуниси эътиборлики, ривожланган хорижий мамлакатларда шаҳар ва қишлоқ ландшафт архитектураси тушунчалари ва уларга қўйилган талаблар бири-бирига ўхшашдир.

Биз ҳам замонавий ва бўлғуси қишлоқларимиз ландшафтини яратиш ва кўкаламзорлаштиришда илғор хорижий тажрибаларни янада чуқурроқ ўрганишимиз ва уларнинг фитомодул, фитоластика, тувакли ўсимликлар, гидропоника, топиар санъати ва нур архитектураси каби усуллари унумли фойдаланишимиз зарур.

2.3.Истироҳат боғларини меъморий–ландшафт ташкиллаштириш ва лойиҳалашнинг замонавий анъаналари ташкиллаштиришнинг илғор анъаналари

Республикамиздаги мавжуд боғ ва паркларнинг худудлари инсоннинг табиат билан алоқаларини ривожлантириш учун яхши имкониятларга эга. Бироқ ҳозирги мавжуд паркларнинг асосий муаммоларидан бири–бу уларнинг паст даражадаги рекреацион имкониятлари бўлиб, бу ўз навбатида уларга бўлган эҳтиёжларни қўйиб юбормоқда. Натижада ҳар кунги

одатий ҳаётимизда инсонларнинг парк муҳити билан учрашиши бевосита унинг эҳтиёжи асосида эмас, балки билвосита, яъни “йўл–йўлакай”, “транзит”, ёки шунчаки ёнидан ўтиб кетиш кўринишида бўлмоқда. Шундай экан мавжуд парклардан фойдаланишни замонавий асосда ечиш ва ташкиллаштириш мақсадида уларни лойиҳалашнинг янги усуллари излаш ва масалага буткул янгича ёндошиш талаб қилинмоқда.

Республикамизнинг ҳозирги замонавий ривожланиш босқичида боғ ва паркларни яратиш, республикамиз шаҳарлари ва туман марказларидаги мавжуд паркларни қайта қуриш ва модернизациялашнинг асосий истиқболли вазифалари тарзида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- уларнинг рекреацион мафтункорлигини ошириш;
- боғ ва паркларнинг эстетик жозибадорлигини кучайтириш;
- уларда экологик тоза ва ободонлаштирилган муқим ландшафтларни яратиш;
- уларга сарфланаётган ҳаражатларни қоплаш имкониятларини ошириш.

Мазкур масалаларни ечиш учун боғ ва паркларни яратиш ва мавжудларини такомиллаштириш мақсадида масалага янгича функционал, эстетик, композициявий, экологик ва иқтисодий ёндошувлар талаб қилинади.

Функционал ёндошув ўз таркиби ва мазмунига қуйидаги масалаларни олади:

- турли ёшдаги ва ижтимоий гуруҳларга тегишли аҳолининг ҳаётий эҳтиёжлари ўзгаришини ҳисобга олиб боғ ва парклар ҳудудини функционал зоналаштиришдаги анъанавий усулни такомиллаштириш;
- рекреациянинг янги мавсумий ва кундузги шакллари киритиш, очик осмон остида ўтказиладиган фаолият турлари (ўқув, спорт ва бадий секцияларининг машғулотларини ўтказиш ва бошқалар) учун шароитлар яратиш орқали парк ҳудуди функцияларини кенгайтириш;

- паркнинг периметри бўйлаб йил бўйи фойдаланиладиган аттрактив рекреацион объектларни (қаҳвахона, спорт иншоотлари, кўргазма залларни) куриш;

- паркнинг очик мухитидан маданий–оммавий тадбирлар (кўргазмалар, байрамлар, сайллар, концертлар) ўтказиш мақсдида фойдаланиш.

Паркларни истиқболли лойиҳалаш ва такомиллаштириш масаласига эстетик ёндошув қуйидагиларни назарда тутди:

- парк ҳудудини меъморий–бадий ташкиллаштиришни ландшафт архитектураси, дизайни, халқ амалий санъати, тасвирий санъат ва санъатнинг бошқа турларини (рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, кино ва бошқалар)ни синтезлаштириш асосида лойиҳалаш, паркни санъат объекти тарзида кўриш ва ҳис қилиш;

- паркларни лойиҳалаш ва реконструкциялашда, уларнинг режавий ва композициявий хусусиятларини аниқлашда жаҳоннинг замонавий тажрибалари ва анъналаридан фойдаланиш;

- оммавий ташрифлар зоналарида ўсимликлар ассортименти ва дизайнини кенгайтириш;

- парк композицияларини ансамбллаштириш тамойиллари ва семантик ёндошувлар (ассоциациалар мавзуси), “жой руҳи”ни тиклашни яратиш.

Композициявий ландшафт ёндошув эса қуйидаги муҳим масалаларни ўз ичига олади:

- ўсимликларнинг маҳаллий навлари этакчилигидаги экологик турғун экинларни яратиш;

- оммавий ташрифлар зоналарида парк ҳудудларининг эстетик жозибадорлигини ошириш, Ўрта Осиё анънавий боғ–парк санъати композициялари–“Чорбоғ”, “чорчаман”, “чортоқ”, “чорҳовуз”, “ҳиёбон” усулларида фойдаланиш;

- парк кўкаламларини яратишнинг замонавий усуллари (ўрмончалар яратиш, мунтазам ўсимликлар композициялари, топиар санъати)дан фойдаланиш.

Боғ ва паркларни яратишга бўлган экологик ёндошувнинг мазмуни куйидагилардан иборат:

- паркларда экологик жиҳатдан қулай муҳит яратиш (ифлословчи манбаларни йўқотиш, парк ҳудудини ноқулай ташқи таъсирдан ҳимоя қилиш ва бошқа)лар;

- парк кўкаламларининг экологик турғунлигини ошириш (парк ўсимликлари таркибида буталар фоизини ошириш орқали парк ландшафтини қайта яратиш, асосий яшил массивларда маҳаллий навлардан фойдаланиш, парк ҳудудидаги рекреацион юкламани мувофиқлаштириш);

- турлича рекреацион режим ва рекреацион юкламаларда фойдаланилувчи участкаларни алоҳида ажратиш, шунингдек юксак экологик ресурсларга эга бўлган зоналарга киришни чеклаш;

- кўкаламларнинг зараркунандалар ва касалликлардан зарарланишини аниқлаш мақсадида ўсимликларнинг экологик мониторингини ўтказиш.

Иқтисодий ёндошув эса ўз таркибига куйидаги вазифаларни олади:

- парк харажатларини қоплаш шартларини мувофиқлаштириш мақсадида парк ҳудудларини ривожлантириш бизнес–режасини ва паркни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш;

- паркни эксплуатация қилишга ва унинг қурилмаларига хусусий инвестицияларни жалб қилиш;

- ҳар бир парк қошида эксплуатацион хизматлар учун алоҳида меъморий бирликни яратиш. Штатлар таркибига боғ–парк қурилиши, боғдорчилик, эколог мутахассисларни жалб қилиш;

- ахборот тизими кўмагида ҳар йилги оммавий тадбирларни ўтказиш (мавсумий очишлар–ёзги, кузги, қишги фасллар очилиши ва баҳорги мавсум);

- парк ҳудудини шаҳарнинг туристик–рекреацион маршрутларига киритиш;

- паркка хизмат кўрсатиш учун энергосамарадор технологиялардан фойдаланиш (ёритиш жиҳозлари учун қуёш батаеялари, ўсимликларни суғориш учун ёмғир сувини йиғиш).

Юқорида келтирилган замонавий ёдошувлар ҳозирги вақтда Ўзбекистондаги мавжуд ва янгидан лойиҳаланаётган парк ҳудудларининг рекреацион имкониятлари, моддий ва эстетик, меъморий–ландшафт тарзидаги мафтункорлигини оширишга йўналтирилган. Мазкур функционал, эстетик, композициявий, экологик ва иқтисодий янгича ёндошувлар боғ–парк ҳудудларини замонавий жамият ижтимоий ҳаётига, парк маданиятини янгилаш рекреацион эҳтиёжларига мослаштиради деган умиддамиз.

III–БОБ. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ТУМАН МАРКАЗЛАРИ ИСТИРОҲАТ БОҒЛАРИНИ МЕЪМОРИЙ–ЛАНДШАФТ ТАШКИЛЛАШТИРИШ ВА ЛОЙИҲАЛАШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ

3.1.Самарқанд вилояти туман марказларининг истироҳат боғлари билан таъминланиш ҳолати

Самарқанд вилояти тумани марказида жойлашган ёшлар боғи ҳудуд жиҳатидан анча катта жойни эгаллаган. Ёшлар ва болаларнинг ўйнаши ва дам олиши учун кўнгилочар парк атракционлари ҳам киритилган бўлиб, боғ жуда манзарали ҳудуд ҳисобланади.



Ёшлар боғининг дарвозаси



Боғдаги чархфалак атракциони



Боғ атракционларинларидан намуналар

Ёшлар боғида унинг қишлоқ ҳудудида жойлашганига кўп янгиликларни учратамиз. Масалан, шаҳар ҳудудларида замонавий тарзда жаҳон стандартларига мос қилиб қурилган парклардан ҳозирда қолишмаган тарзда қишлоқ ҳудудларида ҳам боғлар барпо қилинмоқда. Мана шундай қулайликларни ҳар бир туман марказларида учратамиз ва гувоҳи буламиз. Боғ-парк деб аташимиз бежизга эмас, чунки бу ерда боғ ва парк атракциони комплекс тарзда жойлаштирилган. Боғда барча ёшдаги аҳоли учун қулайликлар мавжуд. Ҳаттоки кекса отахон-у онахонларимиз учун ҳам бу боғ-парк тоза ҳавоси ва манзарали ҳудудлари билан дилга ҳуш ёқиши аниқ.



Спортни севмайдиган ўғил-қиз Ўзбекистонда топилмаса керак. Шу жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, боғда “ИЛҲОМ” номли икки қаватли спорт зали ҳам қурилган. Ундан ташқари, биз ёшлар учун мисли кутилмаган очик спорт майдони ҳам барпо қилинган.



Боғ атракциони ва очик спорт майдони

Бундай янгиликлар ва боғ–парк иншоотлари кўзни қувонтиради, албатта. Боғдаги чет мамлакатларникидан қолишмайдиган осмонўпар чархпалак атракционлар архитекторларнинг чексиз меҳнати ва изланишлари эвазига барпо этилмоқда.



Ёшлар маркази ва камолот биноси



Марказий маданият ва аҳоли дам олиш маркази

Боғда ўсмир ёшларнинг ижодий меҳнат қилишлари, ўзларининг ижодий ишларини ва бунёдкор ғояларини аҳоли ўртасида ҳаётга татбиқ қилишлари учун имконият етарлича. Мисол қилиб боғ ўртасида жойлашган икки қаватлик “ЁШЛАР МАРКАЗИ” ва унинг бир томонига туташган “КАМОЛОТ” ёшлар ижтимоий ҳаракати биноларини олишимиз мумкин.



Боғда манзарали дарахтлар ҳам талайгина. Бу игна баргли дарахтлар турига кирувчи арча ва можевельниклар ҳам ўзининг мафтункор кўриниши билан одамни жалб қилмасдан қолмайди.

Марказий маданият ва аҳоли дам олиш маркази деб ном берилган бу бино ҳақиқий дам олишга мўлжалланган десак хато бўлмас.



Худуд киш мавсумидан чиқиш арафасида суратга олингани учун кўпгина манзарали дарахтларни кўриш имкони бўлмади, фақатгина уларнинг уйқудаги ҳолати тушурилди. Боғда жуда кўп манзарали ва мевали дарахтлар мавжуд. Худуд кўпроқ манзарали дарахтлар билан тўлдирилган. Малум масофаларда ёритгичлар ҳам ўрнатилган бўлиб, бу кечки сайр қилувчилар учун қулай. Ёз мавсумида фавворалар жуда чиройли кўринишга эга бўлади. Кун давомида ишдан ҳориган халқ дам олиш ва хордиқ чиқариш учун боғ-паркларга чиқишади.



3.2.Туман марказлари истироҳат боғларининг таркибий функционал қисмлари

Қишлоқ парклари, одатда, очик ландшафт муҳиtida ўтказиладиган оммавий маданий–маърифий тадбирлар, концертлар, наврўз ва Мустақиллик байрамлари, халқ сайллари, болалар ва спорт ўйинлари, аттракционлар ва бошқа оммавий–маданий, дам олиш ва истироҳат функцияларига мўлжалланади. Айнан шу мақсадларга мослаб парк худуди бир нечта функционал зоналарга: оммавий–маданий тадбирлар ва аттракционалар, спорт, болалар, тинч дам олиш ва хўжалик зоналарига бўлинади [82]. Парк худудида сув ҳавзаси (табiiй кўл ёки пруд) бўлган ҳолларда ушбу зоналар қаторига акватория зонаси ҳам қўшилади. Бу зоналар бир–бири ва паркнинг бош дарвозаси билан парк хиёбонлари ва сайргоҳ йўлаклари орқали боғланади. Ҳар бир зона ўз функциясига мос тарзда парк иншоотлари, иморатлари, қурилмалари, мебеллари ва ҳудуднинг ташқи ободонлаштириш жиҳозлари билан таъминланиши зарур. Бу зоналарнинг манзаравий ландшафт ечимлари ҳам уларга мос тарзда шакллантирилади. Масалан, паркнинг бош дарвозаси олди ва бош хиёбон яшил партерлар ва қаторлар билан кўкаламзорлаштирилади. Бунинг учун эса, одатда, тўғри геометрик шакллар (конус, устун, пирамидасимон) ёки бошқа манзаравий силуэтларга эга доим яшил хвойли ва баргли дарахтлар, буталар ва гулловчи ўсимликлардан фойдаланилади. Дарвозага туташ майдонларда партер типдаги клумба гулзорлари, бош хиёбон бўйлаб эса рабатка ва бордюрлар шакллантирилади.

Паркларни лойиҳалаш ишларининг амалиёти ва меъёрий маълумотларни таққослаш асосида олинган паркнинг алоҳида зоналари майдони ва парк йўлакларининг эни 2-жадвалда келтирилган. Қишлоқ парклари майдони учун агар аҳоли сони 5 минггача бўлса 2 гектардан кам бўлмаган, аҳоли сони 5 мингдан кўп бўлган ҳолларда эса 7 гектаргача бўлган ҳудуд ажратилиши мақсадга мувофиқдир.

2–жадвал. Паркнинг алоҳида зоналари майдони ва парк йўлакларининг эни

Паркнинг функционал зоналари	Парк умумий ҳудудига исбатан % ҳисобида, аҳоли сони		Парк йўлакларининг эни, м
	5 минггача	5 мингдан кўп	
Оммавий маданий тадбирлар ва аттракционлар	6–8	8–10	3–6
Спорт зонаси	18–20	18–20	3–6
Болалар зонаси	12–14	10–12	2–4
Тинч дам олиш зонаси	55–60	58–62	1,5–3
Хўжалик сектори	2–3	2–3	–

Парк ҳудудининг умумий кўлаמידан яшил майдонлар 67–75 % ни, парк майдонлари ва майдончалари – 8–16% ни, хиёбон ва йўлаклар – 12–18 % ни эгаллашлари, парктаги бино ва иншоотлар майдони эса 5 % дан ошмаслиги керак [94].

Парк марказий қисмининг режаси кўпинча мунтазам стилда ечилиб, шунга мос равишда гулзорлар ва хиёбонлар шакллантирилади. Доим яшил буталардан оддий можжевельник ва казацкийларни экиш тавсия этилади. Уларнинг биринчиси пирамидасимон тик шаклга эга бўлса, иккинчиси ер бағирлаб сочилиб ўсади. Бундай гуруҳлар ям–яшил майсазор фонида яна ҳам яхши манзара беради, бироқ казацкий можжевельник ёнида атиргуллар экилса самара янада ошади.

Доим яшил туя западная ўсимлиги ҳам кўп турли ва ўта кўркем, унинг дарахт шаклидан тортиб, то ер устида шарсимон кўриниш берувчи пастқам бута турларигача мавжуд, унинг хвой ранги эса турли–туман яшил ва сарғиш тусларга киради. Майса фонида дарахт ва гўзал гулловчи буталар экилади. Уларни шундай хиллари танланадики, токи улар турлича гуллаш даврига эга бўлсин. Форзиция, миндал, киномелес, сперея Ван Гутта, сирень, гортензия ва бошқалар шулар жумласидандир [104].

Гул ўсимликларидан энг манзарали ва узоқ гулловчилар-канн, салвия, пеларгония, алиссум кабилар танланади. Парк марказидаги партер ва

клумбага мавсумий гуллар—баҳорда тюльпанлар, нарцисса, виола, маргариткалар ва бошқалар, кузда эса бир йилликлар экилади.

Парк марказидан узоқлашган сари дарахт ва буталардан тузилган табиий ландшафт тусидаги аралаш ва мураккаб гуруҳлар композициясини кўпайтириб бориш зарур, уларнинг таркиби кенгайиб уларга дарахтларнинг маҳаллий турлари ҳам киради (мажнунтол, ғужум ва бошқалар). Гулзорларнинг шакли ва турлари ҳам ўзгариб, сони эса камайтиради. Асосан майса фонида экилган кўп йиллик гуллардан тузилган гуруҳлар (рудбекия, астра, флокс, ирис) ва буталардан шаклланган гуруҳлар, миксбордерлар қўлланилади.

Бу ерларда, яъни марказдан четроқ хилватроқ жойларда, одатда, паркнинг тинч дам олиш зонаси жойлашган бўлиб, юқорида айтилган кўп йилликлардан тузилган яшил гуруҳлар—ландшафт композициялари шакллантирилиб, парк скамейкалари, пергола, воишлар билан таъминланади. Бу зонани кўкаламзорлаштирганда очиқ ва ёпиқ яшил муҳитлар тизимини шакллантириш мақсадга мувофиқки, бунинг учун ўтлоқ майсазорлар, пастқам буталар ва соя берувчи дарахтлар массивини қўллашни тавсия қилиш мумкин.

Болалар зонасида унча катта бўлмаган модулли боғлар яратиш мақсадга мувофиқдир. Уларда турли ўсимликларни ўлчамлари 1х1м ёки 1,5х1,5 м бўлган гул қутиларида ўстириш мумкин. Бу болаларнинг модулли қутилар орасидаги йўлаклардан қувишиб фаол ва шўх ўйинлари учун қулай имконият яратиши мумкин. Болалар аттракционларини бир—биридан яшил тўсиқлар ёки тирик деворлар орқали ажратиш тавсия этилади.

Спорт зонасига, одатда, гулзорлар экилмайди. Дарахт ва буталардан иборат қаторлар йўлаклар ва хиёбонларни кўкаламзорлаштиришда қўлланилади. Қаторлар эса кўпроқ майса ва ерёпар ўсимликлар фонида шакллантирилади. Хўжалик сектори (парк инвентарлари жиҳозларини сақлаш учун сарой ёки шийпон)ни тирмашиб ўсувчи буталар (лианлар) ёрдамида ёпиш тавсия этилади. Бояришникдан ишланган баланд яшил тўсиқ, қисқа баргли лох ёки

оддий барбарислар нобоп хўжалик иморатларини тўсиш, кўздан холилаштириш имконини беради. Хўжалик ховлисининг девори, хожатхоналар ва ахлатхоналар ёнига ёғоч панжаралар ўрнатиб, уларга суянтириб виноград девичий, пятилисточковый, оддий хмел каби тирмашиб ва чирмашиб ўсувчи ўсимликларни экиш мумкин.

Ана шундай манзарали ўсимликлар билан тинч дам олиш зонасидаги трельаж, пергола, воиш, шийпонларни ҳам безаш тавсия этилади. Энг манзарали лианлар (чирмашувчи атиргуллар клематислари, каприфол ва Браун жимолостлари, хушбўй нўхатсимон)ларни парkning марказий кисмида ўрнатилган махсус декоратив таянчлар ёнига экиш мақсадга мувофиқдир. Бундай таянчлар текис воишлар, конус, пирамида, шар ёки зонтиксимон шаклларда бўлиши мумкин.

3.3.Самарқанд вилояти туман марказлари истироҳат боғларини меъморий–ландшафт ташкиллаштиришнинг илмий–назарий асосларини ишлаб чиқиш

2010 йилда Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 322–сонли “2011–2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора–тадбирлари дастурини тасдиқлаш” тўғрисидаги Қарори қабул қилинди [10]. Ушбу қарорга биноан бугунги кунда Республикамиз шаҳар, туман марказлари ва қишлоқларидаги мавжуд аксарият истироҳат боғлари қайта қурилди, таъмирланди, уларнинг меъморий ландшафт ечимлари ва аттракционлари янгиланди. Туман марказларида “Ёшлар боғи”, “Замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказлари” ташкил этилди. Бироқ, ҳанузгача Республикамизнинг айрим туман марказлари ва қишлоқларида боғ–паркларнинг меъморий–режавий ва ландшафт ечимлари, улардаги аттракционлар ва иншоотларнинг сифатлари паст даражада қолмоқда. Шу сабабдан юқоридаги Давлатимиз қарорида белгиланган вазифалар долзарблигича қолмоқда. Қуйида биз туман марказлари ва қишлоқ боғ–

паркларининг меъморий–режавий ва ландшафт ечимларини такомиллаштириш бўйича умумлаштирилган таклиф ва тавсияномаларимизни баён этамиз.

Қишлоқ парклари, одатда, туман марказлари, шаҳар ёки шаҳарча мақомини олган қишлоқ ҳудудида жойлашиб, шаҳарча марказидаги бирор нуфузли жамоат биноси (туман ҳокимлиги биноси, коллеж ёки ўрта мактаб биноси каби) бинолар ёнидаги ёки алоҳида ҳудуддаги манзарали жойни эгаллайди.

Парклар ҳудудига экиладиган дарахт ва буталар сони ҳудуднинг табиий-иқлим шароитлари ва ландшафт ташкиллаштириладиган парк ҳудудининг композициявий хусусиятларига боғлиқ тарзда меъёрланади. Паркнинг одамлар йиғиладиган марказий қисмида ўртача ҳисобда 1 гектарга 90-100 тагача дарахт, 1000-1500 та бута экиш меъёрланган [106]. Бу ҳудудда дарахтлар асосан хиёбон, бордюр, яшил тўсиқлар кўринишида қаторлаб экилиши етакчи роль ўйнайди. Паркнинг сайргоҳ ҳудудларида эса тигиз яшил гуруҳлар, крутиналар ва массивлар етакчилик қилади. Экилиш тигизлиги 1 гектарга 400 та ёки оралиқлари 5х5м масофа олиниб, катталиги бўйича асосан 1- ёки 2-гуруҳга кирувчи кўчатлар экилади. Сийрак экиладиган қисмлар учун 2-гуруҳ кўчатлари олиниб, уларнинг оралиқлари 6х8м масофада ёки 1 гектарга 230 тадан кўчат экилади. Очик мухитли ландшафтлар эса солитер композицияли дарахтлар билан 1 гектрага 50 та, асосан 3-гуруҳга кирувчи, яъни йирик ўлчамли кўчатлардан танлаб экилади. Дарахтлар ва буталар сонининг нисбати 1:4 – 1:10 чегарасида бўлишлиги мақсадга мувофиқдир [94] .

Қишлоқ паркларини табиий ёки сунъий шакллантирилган сув ҳавзалари ҳам безаши мумкин. Улар атрофидан айланиб юриш учун йўлақлар ўрнатиш зарур. Сув ҳавзаларининг қирғоқларини майсалар билан, дарахтлар, буталар ва кўп йиллик ўсимликлардан тузилган гуруҳларни эса шундай жойлаштириш керакки, улар сув ҳавзаларининг чиройли пейзажларини тўсиб қўймасин. Аксинча сув ҳавзалари соҳилларига мажнунтол каби манзарали ва

гулловчи буталардан экиш мақсадга мувофиқдир. Унча катта бўлмаган ирмоқлар соҳилига эса тошлар ва намликни ёқтирувчи турли хил кўп йиллик ўсимликлар, шу жумладан вероника простертая, незабудка болотная, папоротникларни экиш мумкин [103].

Боғ–парк санъатида янги технологияларни қўллаш, хусусан очик яшил муҳитларнинг декоратив хусусиятларини янада ошириш мақсадида замонавий “Нур архитектураси”нинг янги қирраларидан фойдаланиш (масалан, ўзидан тунда ёруғ чиқарувчи бордюлар, гирляндалар, нурланувчи соябонлар, боғ–парк санъати объектлари ҳудудининг тўшамаларига ётқизиладиган тунда ўзидан нур чиқарувчи плиталар, нурланувчи геопластикаларни) қўллаш орқали замонавий боғ ва паркларимиз архитектурасига янгича сифат бағишлашимиз мумкин.

Замонавий боғ–парк санъати объектлари, очик ва ёпиқ яшил муҳитлар манзарасини санъатимизнинг миллий қадриятлари асосида шакллантиришда тарихий ва Ўрта Осиё халқлари учун анъанавий ҳисобланган “Чорбоғ”, “Чорчинор” ва “Чорчаман” услубларини қўллашни таклиф қиламиз.

Амир Темур ва Темурийлар даври, сўнгра Ўрта Осиёдаги хонликлар даври боғ-паркчилик санъатида “чорбоғ” услуби етакчи мавқени эгаллаган. Чорбоғ бу модулли (миқёсий) боғ бўлиб, ҳудудий элементлари бош режавий ўққа нисбатан мунтазам симметрик жойлашган, қисмлари тўрт ва ундан кўп бўлган бир-бирига тенг “чорчаман” ва “чаман”лардан тузилган, атрофи девор билан чегараланган тартибли боғдир [118]. Унда кичик модул ролини чаманлар бажарса, катта модул бу чорчамандир. Чорбоғ ўзининг режавий ечимига кўра инсон тафаккурининг энг олий тасаввуридаги жаннат боғига хос бўлган холислик назариясига, ҳандасавий уйғунлик ва модул тизимига асосланган.

Боғлардаги яшил дунё таркибига манзарали ва мевали дарахтлар, буталар, эрта баҳордан кеч кузгача бирин-кетин очилувчи гуллар, ток ва майсалар кирган. Манзарали дарахтлар таркибига мирзатераклар, тол, чинор, сарв, мажнунтол, қайроғоч ва шамшотлар кирган. Улар ёрдамида боғда очик ва ёпиқ ҳиёбонлар шакллантирилган. Мевали дарахтлардан олмаларнинг

турли навлари, ўрик, шафтоли, анор, нок, олча, анжир, тут ва бодомлар экиш, алоҳида узумзор ташкил қилиш, гуллардан ҳамиша баҳор, атиргуллар, бинафшалар, савсан, гулираъно, нилуфар, шаббуй, гултожихўроз, арғун, садбарг гуллари, ҳанжарийларни экиш анъана бўлган [98].

Боғларнинг сув дунёси ариқлар, булоқлар, квадрат, олти ва саккиз бурчакли ховузлар, фавворалар, шалолалар ва шаршаралардан тузилган. Ҳайвонот дунёси эса ёввойи ва хонаки ҳайвонлар, балиқлар, паранддалар ва қушлардан иборат бўлган.

Чорбоғ рельефига кўра майдонининг сатҳи нисбатан текис ва поғонасимон турларга бўлинган. Поғонасимон чорбоғлар ҳудуди рельефли, қиялик ва қирлардан иборат боғларда қўлланилиб, боғ поғоналари тиргак деворлар, зинапоялар ва шалолалар билан боғланган.

Чорбоғ услубидаги тарихий боғларнинг меъморий-режавий ва ландшафт ечимларига хос асосий тамойиллар қуйидагилардан иборат [118]:

- боғ ҳудудини атроф-муҳитдан дарвоза ва деворлар орқали ҳолилаштириш;

- боғларнинг меъморий-режавий ва ландшафт ечимини жой рельефига мос тарзда шакллантириш: текис ҳудудларда мунтазам режали симметрик композицияли боғлар яратиш; қияликларда эса мунтазам режани эркин табиат кўринишидаги режавий ечимлар билан узвий боғлаш ва боғ ҳудудини поғоналарга бўлиб чиқиш;

- ҳар иккала режавий ечимда мунтазам тартибли симметрик чорбоғ, чорчаман, ҳиёбон ва чорчинор композицияларини қўллаш;

- боғларни кўкаламзорлаштиришда манзарали ва мевали дарахтларни қўллаш, меъморий боғни ҳўжалик боғи билан мувофиқлаштириш, суғориш шаҳобчаларининг мунтазам ва тежамли тартибини белгилаш;

- боғлардаги “яшил дунёни” “сув дунёси” ва “ҳайвонот дунёси” билан уйғунлаштириш, ҳар бир дунёнинг экзотик турлари ва шаклларида фойдаланиш;

- боғнинг бош биноси (сарой ёки кўшк)ни табиий ёки сунъий ишланган тагкурси, платформа ёки стилобатга жойлаштириш;

- боғ хиёбонларининг боши ва охири, кесишган жойларини гўзал меъморий композициялар (ховуз, фаввора, кўшк, воиш ва шу кабилар) билан безаш;

- хиёбонларни қуёш нурини эътиборга олиб уфқ томонларига мос ҳолда кўкаламзорлаштириш ва кўпроқ сояли муҳитларни ташкил қилиш.

Қишлоқ боғ–паркларида боғнинг ўзи ва боғ иншоотлари (иморатлар, кўшк, сарой, фаввора, ховуз, сўри, чорпоя, йўлак, арик) боғнинг муҳим таркибий қисмлари деб қаралиб, уларнинг композицияси эса тархи ва ҳажмига кўра ўзаро узвий ва уйғун боғланишда бўлмоғи керак. Ана шу меъморий яхлитлик, яъни боғ ва унинг иморатлари ёхуд боғ элементлари орасидаги уйғунлик боғ дизайнининг бош тамойилига айланиши зарур. Бунинг учун боғ қисмлари, барча элементлар ва иморатлар геометрияси тўғри чизиқли, бир-бирига стилистик ўхшаш, мунтазам, аксли симметрия қонунига асосланган бўлиши талаб этилади. ”Чорбоғ” композицияси бу тамойилнинг меъморий гаровидир. Чорбоғ услубида бунёд этилган ва бизгача етиб келган ва келмаган ислом дунёсидаги барча боғлар: Темурийлар ва Бобурийлар боғлари, Эрон ва Дамашқ, Туркия боғлари буни исботлаб турибди [77]. Бу боғларнинг барчасимунтазам геометрик режавий ечимга, яъни “Чорбоғ” услубига асосланган боғлардир. Уларнинг яратилиш концепциясида юқоридаги меъморий яхлитлик, геометрик мунтазамлик ва симметриядан ташқари “сув ва соя қонуни” муҳим аҳамият касб этади.

Демак, қишлоқ боғ–паркларида ҳам ана шу қонуниятлар, яъни тамойиллар етакчи ўринни эгаллашлари зарур. Бу асосий меъморий тамойилларга манзарали ва мевали дарахтлар, кузалиб сунъий шакллар берилган манзарали дарахтлар, токзор (узум), гулзор ва сабзавотлар ҳамда кўлга ўргатилган ҳайвонот дунёсига ҳам тегишли жой ва ўрин берилишини шарт деб ҳисоблаймиз.

Қишлоқ боғ–паркларидаги ариқ сувлари чорпоялар, кўшқлар ва дарахтлар сояси тагидан жилдираб оқиб ўтмоғи, ҳовуздаги сув саҳни эса сайр қилиш йўлакларидан паст бўлиб, уларнинг юзасига қуюқ соя тушмоғи зарур. Чорбоғдаги фавворалар ва сув қурилмаларига юборилаётган сув босимини шундай таъминлаш керакки, сув фаввора четидан енгилгина тошиб чиқиб доим оқиб турсин, токи бу сизга жаннат боғидаги узлуксиз оқиб турувчи ва доим бисёр жаннат булоғи ва фавворасини эслатсин.

Қишлоқдаги боғ–парклар ҳам бундай сифатларга том маънода эга бўлмоғи, тўғрироғи бу сифатлар унинг энг муҳим меъморий-ландшафт тамойилларидан бири бўлмоғи керак. Бу сифатлар боғда сув дунёсининг турли меъморий шакллари (арикларда жилдираб оқаётган сув, фавворалардан тизиллаб отила-ётган сув, сокин ҳовуз суви, агар боғ қияликда жойлашган бўлиб, саҳни текис поғоналарга бўлинган бўлса шалоларлардан шилдираб оқаётган сув)га хос муҳим хусусиятлардан бўлиши керак. Ана шундай меъморий тафаккур ва тамойиллар асосида яратилган ҳар қандай анъанавий шарқона боғ жуда катта ижтимоий-маданий ва бадиий эстетик имкониятларга эга бўлиши муқаррардир.

Замонавий қишлоқ боғ–паркларини биринчи навбатда, албатта истироҳат боғи тарзида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Лекин қандай истироҳат боғи? Кўп функциялими ёки унинг махсус бирон-бир истироҳат функциясига мўлжаллангани маъқулми? Ҳар қалай ундан фақат томоша объекти сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлмас. Келажакда барпо этилажак қишлоқ боғ–парклари уларга ташриф буюрувчиларда ҳам шаклан, ҳам мазмунан ҳақиқий ўзбек боғи ҳақида тасаввур ҳосил қилиш керак. Бунинг учун ушбу боғларнинг меъморий-режавий, манзаравий ландшафт ечимлари ва сифатлари нафақат анъанавий ”Чорбоғ” услубида ишланиши, балки унинг архитектураси ўзбек халқининг миллий сайл ва байрамларига, миллий-оммавий ўйинлари ва фольклор томошалари ўтказиладиган махсус жой, майдон ва қурилмаларга (масалан, Наврўз, Мустақиллик куни байрами, Ҳосил байрамлари ва ҳоказолар), ўзбек халқининг боғ-парк санъатига доир

экспонатлар кўргазмасига, Нигористон, яъни бадий-тасвирий санъат асарлари кўргазма залига, ўзбек халқининг миллий либослари ва келин тўйи (чимилдиқ) маросимлари кўргазмасига, ўзбек миллик таомлари ва шарбатлари билан меҳмон қилувчи ошхона ва чойхоналарга, миллий мусиқа ва концерт заллари, миллий оранжерея, ёшлар ижодий маркази ва кўғирчок театри каби функцияларга мослаштирилиши мумкин. Буларнинг барчаси, ўйлаймизки, ўзбек халқининг замонавий боғ-паркларини шаклан тўлдирувчи ва уларга мазмунан мос келувчи замонавий функциялардир. Бу функциялар бизга Амир Темур ва темурийлар даври боғлари ва умуман Ўрта Осиёнинг тарихий боғларида амалга оширилган истироҳат функцияларини ҳам эслатиб туришини унутмаслигимиз зарур.


Замонамизнинг ҳозирги тезкор ривожланаётган глобаллашуви шароитида Ўзбекистон қишлоқларининг боғ-парк санъатини идентификациялаш мақсадида нафақат мавжуд муаммоларни таъкидлаш ва кўрсатиб бериш зарур, балки Республикада боғ-парк санъати тараққиётининг янги йўналишларини аниқлаштириш ва бу масалага минтақавий ёндашиш концепциясини ишлаб чиқиб, уни фан, амалиёт ва таълим тизимларига ҳам жорий қилмоқ керак.

3.4. Лойиҳавий таклифлар ишлаб чиқиш

Исҳоқхон Тўра Ибрат номидаги мажмуаси. Тўрақўрғон тумани




Оқтош истироҳат боғи. Нарпай тумани





Булунғур тумани марказий истироҳат боғи







Султон Увайс Қароний боғ мажмуаси. Чортоқ тумани





ЯКУНИЙ ХУЛОСАЛАР, ДИССЕРТАЦИЯ НАТИЖАЛАРИ ВА ТАКЛИФЛАР

Мазкур диссертацияда ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин:

1. Истироҳат боғларини меъморий–ландшафт ташкиллаштиришнинг тарихий тажрибалари бизга туман марказлари истироҳат боғларини лойиҳалашда Ўрта Осиё халқлари боғ–парк санъатига хос бўлган “Чорбоғ”, “Чортоқ”, “Чорчинор”, “Хиёбон” каби қатор стереотип анъанавий ландшафт композицияларини эътиборга олиш зарурлигини ўргатди.

“Чорбоғ” – бу мунтазам геометрик режага эга бўлган тўрт ва ундан кўп жуфт сонли симметрик қисмлардан тузилган ва модул тизимига асосланган, табиий ландшафт элементлари (жой рельефи) манзарали ва мевали дарахтлар, гуллар, энг қулай тежамли ирригация тизими) ва сунъий меъморий шакллар ва қурилмалар (кўшқлар, чодирлар, шийпонлар, ҳовузлар, фавворалар, йўлаклар ва хиёбонлар)дан тузилган атроф муҳитдан ҳолилаштирилган истироҳат жаннатий боғдир.

“Чортоқ”–бу тўрт томонида тоқ–равоқи бўлган тўрт бурчакли боғ иморати; тўрт томони очик равоқли кўшк.

“Чорчинор”–бу тўрт чинор дарахтидан тузилган шундай мунтазам тартибли ландшафт гуруҳи, унинг остидаги майдонда истироҳат учун эрталабдан кечгача соя–салқиннинг таъминланиши муқаррардир.

“Хиёбон”–бу боғ қисмларини ўзаро улайдиган бош йўл, икки ёнига қатор дарахтлар, гуллар экилган ариқлари ёки фавворалари бўлган сайргоҳ йўл. Хиёбон усти очик ёки ёпиқ бўлиши мумкин.

“Чорбоғ” услубидаги боғларда нафақат мунтазам композицияси вертикал ландшафт, балки горизонтал ландшафт композицияларидан фойдаланиш, шунингдек, чорчаманлар (модулли гулзорлар, майсазорлар, мевазорлар)дан фойдаланиш ҳам кўзда тутилади. Боғ архитекраси ва

ландшафт элементлари орасидаги масштаблилик, меъморий уйғунлик, мутаносиблик биринчи, етакчи ўринга чиқади.

2. Туман марказлари истироҳат боғларини меъморий–ландшафт ташкиллаштириш ва лойиҳалашнинг замонавий анъаналарига қуйидагилар киради:

а) боғ ландшафтида “топиар” санъатини қўллаш ва унинг миллий шакллари ишлаб чиқиш;

б) боғ меъморий–режавий ва ландшафт ечимида анъанавий “Чорбоғ”, “Чортоқ”, “Чорчинор” ва “Хиёбон” композицияларини қайта тиклаш;

в) боғ аттракционлари таркибига замонавий кўнгилочар ва оқартув функциялари: оранжерея, альпинизм ва ҳ.з. киритиш;

г) боғда маънавий–маърифат ва халқ фахрийлари хиёбонини ташкил қилиш;

д) боғ ландшафтини яратишда ховузлар, чорпоя ва айвонлар, чархпалак ва войишлар сўри, кўшк каби миллий меъморий шаклларни қўллаш;

е) боғ ландшафтини шакллантиришда “фитомодул”, “фитопластика” ҳайкаллардан ва “Нур архитектураси” шаклларида самарали фойдаланиш;

ж) боғ ландшафтини дизайнини ишлашда халқ амалий санъати, ўзбек этнографик нақшлари, тасвирий ойна шаклларида фойдаланиш.

3. Самарқанд вилояти туман марказлари истироҳат боғларини меъморий–ландшафт ташкиллаштириш ва лойиҳалаш бўйича таклифларимиз қуйидагилардан иборат:

4. Ишончимиз комилки, юқоридги илғор анъаналар, илмий–назарий ва лойиҳавий таклифларни амалга ошириш келажакда туман марказлари истироҳат боғларини лойиҳалашда катта ижтимоий самара беради.

Туман марказлари истироҳат боғларини меъморий–ландшафт ташкиллаштиришнинг илғор анъаналари:

- Боғ ландшафтида “топиар” санъатини қўллаш ва унинг миллий шакллари ишлаб чиқиш;
- Боғ меъморий–режавий ва ландшафт ечимларида анъанавий “Чорбоғ”, “Чортоқ”, “Чорчинор” ва “Хиёбон” композицияларини қайта тиклаш;
- Боғ аттракционлари таркибига замонавий кўнгил очар ва оқартув функциялари: оранжерея, альпинизм ва ҳ.к. киритиш;
- Боғда маънавий–маърифат ва халқ фахрийлари хиёбонини ташкил қилиш;
- Боғ ландшафтини яратишда ховузлар, чорпоя ва айвонлар, чархпалак ва войишлар сўри, кўшк каби миллий меъморий шаклларни қўллаш;
- Боғ ландшафтини шакллантиришда “фитомодул”, “фитопластика” ҳайкаллардан ва “Нур архитектураси” шаклларида самарали фойдаланиш;
- Боғ ландшафтни дизайнини ишлашда халқ амалий санъати, ўзбек этнографик нақшлари, тасвирий ойна шаклларида фойдаланиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. **Каримов И.А.** Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. “Тафаккур”. 1998. 2–сон.
2. **Каримов И.А.** Миллий театримиз–ифтихоримиз. Тошкент шаҳридаги академик драма театри янги биносининг очилиш маросимида сўзлаган нутқи.//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2001йил 31–август. 37–сон. 1–бет.
3. **Каримов И.А.** Озод ва обод Ватан, эркин фаровон ҳаёт–пировард мақсадимиз. –Т.: “Ўзбекистон”, 2007. 19–20 бетлар.

4. **Каримов И.А.** Лойиҳа–тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида. ЎзР. ПҚ. (№85), 30 апрель, 2008, 1–2 бетлари

5. Маданий мерос объектларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги ЎзР қонуни 18 сент, 2001 й. 192–сон.–Тошкент, 2001.

6. “Аҳоли пунктларини комплекс қуришда шаҳарсозлик нормалари қоидаларини қатъий бажарилишини назорат қилишни кучайтиришга доир чора–тадбирлар” тўғрисидаги ЎзР В.М. қарори, (2009 йил, февраль).–Т., 2009.

7. **Ахмедов М.Қ.** Самарқанд регистони–ўзбекистон миллий шаҳарсозликдаги бош майдонлар намунасидир.//“Самарқанд шаҳри архитектураси, замонавий шаҳарсозлик ва шаҳар қурилиши муаммолари” конференция материаллари.–СамДАҚИ, 2011.

8. **Ахмедов М.Қ. , Бердимуродов А.** Регистон мажмуаси. Самарқанд, 2007й.,

9. **Ахмедов М.Қ.** Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи.–Т., 1996.

10. **Алимов У., Мадраимов А.** Садово–парковое искусство Темуридов и его традиции.// Ўзбекистонда анъанавий боғ ва боғдорчилик санъати “Кеча, бугун ва келажак” мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари.–Т., 2016.–С. 3–14.

11. **Бобоев С.М., Уралов А.С.** Мустақиллик йилларида Самарқанд шаҳрининг архитектураси.//Ўзбекистон миллий меъморчилиги ва ландшафт архитектурасини тадқиқ этишнинг янги масалалари мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари.–Самарқанд: СамДАҚИ, 2010.

12. **Захриддин Мухаммад Бобир.** Бобирнома.–Т., 2006.

13. **Камилова Х.Х.** Необходимость новых концепций парка строения в условиях рыночных отношений Узбекистана.//Ўзбекистон миллий меъморчилиги ва ландшафт архитектурасини тадқиқ этишнинг янги

масалалари мавзусидаги республика илмий–амалий конференцияси материаллари.– Самарқанд: СамДАҚИ, 2010.

14. Кларк Э. Искусство исламского сада.//Пер. с.англ.–М.: “Ниола–Пресс”, 2008.

15. Маматкулов Ў., Адилова Д., Қурбонов Ш. Самарқанд шаҳри меъморчилиги ва шаҳарсозлигидаги замонавий йўналишлар.//Ўзбекистон миллий меъморчилиги ва ландшафт архитектурасини тадқиқ этишнинг янги масалалари мавзусидаги республика илмий–амалий конференцияси материаллари.–Самарқанд: СамДАҚИ, 2010.

16. Магистрлик диссертацияси ва унга қўйилган талаблар. Тузувчи Ў.А.Мухаммедов.–Самарқанд: СамДАҚИ, 2010

17. Массон М.Е. Регистан и его медресе.–Т., 1926.

18. Нажмиддин ан-Насафий. Самаркандия.–Т., 2001.

19. Наршахий М. Бухоро тарихи.–Т., 2007.

20. Ожегов С.С., Уралов А.С., Рахимов К.Д. Ландшафт архитектураси ва дизайни.–Самарқанд: СамДАҚИ, 2005.

21. Садикова С.Н.К проблеме возрождения традиционного сада “Чарбаг” в садово–парковом искусстве Узбекистана.//Ўзбекистон миллий меъморчилиги ва ландшафт архитектурасини тадқиқ этишнинг янги масалалари мавзусидаги республика илмий–амалий конференцияси материаллари.–Самарқанд: СамДАҚИ, 2010.

22. Уралов А.С. Миллий ўзбек боғининг меъморий дастурини яратиш ҳақида. // Ўзбекистон миллий меъморчилиги ва ландшафт архитектурасини тадқиқ этишнинг янги масалалари мавзусидаги республика илмий–амалий конференцияси материаллари.–Самарқанд: СамДАҚИ, 2010.

23. Уралов А.С., Хожихонов М. Темурийлар маънавияти ва маданият.–Самарқанд, 1996.

24. Уралов А.С. “Чорбоғ” услубидаги тарихий боғларнинг меъморий–режавий ва ландшафт ечимларига хос асосий муаммолари илм.тех.журнали.– Самарқанд: СамДАҚИ, 2008, № 3

25. Уралов А.С., Садыкова С.Н. Ўрта Осиё анъанавий чорбоғ услуби ва замонавий боғ–парк санъати.—Самарқанд, 20012.

26. Уралов А., Хожихонов М. Темурийлар маънавияти ва маданият.—Самарқанд, 1996.

27. Ўзбекистон архитектураси ва қурилиш журнали. 2005 йиллардан кейинги сонлари

28. Хасанов Қ. Регистон ансамбли.—Самарқанд, 2007.

29. Ширинов Т.Ш. Регистон—шаҳарнинг эл тўпланадиган майдонлари бўлган. “Халқ сўзи”, 25 июл 2008 й, 4б.

30. Қуръони Карим. Таржима ва изохлар. Муаллифи Алоуддин Мансур.—Т., 1992.

31. Руи Гонзалес де Клавихо. Самарқандга—Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403–1046). Рус тилидан Очил Тоғаев таржимаси.—Тошкент, 2010.

32. Рахимов К.Д., Уралов А.С. Шарқ мамлакатларининг боғ–парк санъати.—Тошкент, 2014.

33. Пугаченкова Г.А. Среднеазиатские сады и парки XV века.// Из художественной сокровищницы Среднего Востока.—Ташкент, 1997.